БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 190 (17.472). • 19 август 1979 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

ҲАММА МАЙДОНЛАРДА МЎЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАЙЛИК

Матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика колхоз ва совхозлари социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганлигининг ўзаро текшириш якунлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Қарорда қардош пахтакор республикалар ўртасидаги анъанавий социалистик мусобақа хўжаликларнинг коллективларини деҳқончилик ва жамоат чорвачилиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга, ички резервларни аниқлашга ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга сафарбар этиши, ишдаги нуқсон ва камчиликларни ўз вақтида очишга ёрдам бериши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Августнинг иккинчи ярми бошланди. Деҳқон таъбирича, пахтачиликда ҳал қилувчи паллага кирилди. Ғўзалар қийғос ҳосил тўплаяпти, уч-тўрт, кунда ҳар тупида битта тўқ кўсак бунёдга келяпти, мавжудларнинг етилиши тезлашяпти. Ҳадемай пахта очилади, орзиқиб кутилган дамлар — йиғим-терим бошланади. Она-Ватан республикамиз пахтакорларидан 5 миллион 700 минг тонна «оқ олтин» қабул қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаати юз берган қийинчиликларни мардлик билан енгишда пахтакорларимизга муҳим дастуриламал бўлди, уларни янги зафарларга илҳомлантирди, ички имкониятлар ва резервларни пахтачилигимиз истиқболларига сафарбар этди. Мурожаатдан руҳланган қишлоқ меҳнат аҳли мўл пахта ҳосили учун курашибгина қолмасдан, айни кезда йиғим-теримни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиш тараддудини ҳам кўрмоқдалар.

Мусобақадош дўстларимиз Пахтачи, Ленин, Қумқўрғон, Ильич, Оқолтин, Ромитан, Шаҳрисабз, Тўртқўл, Хонқа ва бошқа қатор район партия ташкилотлари меҳнаткашларни ғўза парваришини кучайтириш, августни ҳосилга ҳосил кўпиш ойига айлантиришга сафарбар этаётганликларини мамнуният билан таъкидладилар. Кўп жойларда барча техника воситалари ғўза парваришн билан банд, сув, органик ўғитлар, заҳарли ҳимикатлар — ҳамма нарса шу мақсадга бўйсундирилган, кунлик графикларни миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича бир ярим-икки ҳисса бажариш одат тусига киритилган. Оғир участкаларда коммунистлар ишбоши. Интизом мустаҳкамланган, ҳосил тақдири учун масъулият кучайтирилган.

Бу районларда ҳам табиий офатлар кўп бўлди, ғўзаларнинг ўсиш, ривожланиши ўтган йилдагидан анча орқада қолди. Лекин ҳеч ким саросимага тушмади, ваҳимага берилмади. Аксинча, ҳамма бир жон, бир тан бўлиб, партия ташкилотлари атрофига ҳар қачонгидан ҳам маҳкамроқ жипслашди, коммунистлар машаққатли участкаларда жонбозлик кўрсатиб ишладилар.

Афсуски, Ўқдарё, Термиз, Комсомол, Пахтаобод, Норин, Пастдарғом ва яна бир қатор районларда, мусобақадош дўстларимиз таъкидлаб ўтганларидек, ғўза парваришида жиддий нуқсонларга йўл қўйилаяпти, камҳосилли ғўзаларни серҳосилли ғўзалар даражасига етказиб олиш чоралари кўрилмаяпти. Культивация, чопиқ, суғориш бирбирига уйғунлаштириб олиб борилмаяпти, ҳосил тақдирини ҳал қиладиган август ойининг ғанимат кунлари қўлдан бой берилаяпти. Бу районларнинг кўпчилик хўжаликларида бегона ўтлар ҳамон тугатилмаган, ҳашаротлар босган ерлар бор, ўсимлик оби-тобида суғорилмаяпти. Ер етилиши билан дарҳол культивация ўтказилмасдан кесак кўчишига йўл қўйилаяпти. Оқибатда ғўзалар қисман шоналар, гулларни тўкиб юборяпти, кўсакларнинг етилиши кечикяпти. Уларга қўшни районлардаги хўжаликларнинг ғўзаларида 7—8 тадан тўқ кўсак бунёдга келтирилгани ҳолда, бу районларнинг хўжаликлари майдонларида ҳар туп ғўзада атиги 3—4 та кўсак ҳосил қилинганини қандай баҳолаш керак? Шуниси ҳам ачинарлики, сусткашлик, масъулиятни ҳис этмаслик, вазиятни пайқаб олмаслик, интизомсизлик ҳоллари кўпроқ ўтган йили пахта тайёрлаш планларини бажара олмаган колхозлар, совхозлар, районларда юз беряпти.

Республика бўйича ғўзаларнинг ўсиш, ривожланиши, ҳосил тўплашида қолоқлик ҳукм сураётганини, имкониятларни ишга солиб, уни зудлик билан тугатиш жуда зарурлигини билардик. Кўпчилик районларда амалда шундай қилинди. Бироқ айрим жойларда вазият тўла ҳисобга олинмади, ғўза парваришини авж олдириш ўрнига ўзибўларчиликка ташлаб қўйилди. Аччиқ сабоқдан тегишли хулоса чиқариб олиниши, парвариш сентябрь ойининг биринчи ярмида ҳам қизғин давом эттирилиши керак. Бу йил плани, социалистик мажбуриятини бажармаган бирорта звено, бригада, булим, колхоз, совхоз, район, область қолмайдиган даражада юқори ҳосил етиштирилишини таъминламоғимиз керак.

Июль ва август ойининг биринчи ярмида ҳаво иссиқ келди, кўп жойларда ғўзалар серавж бўлиб ўсди, барглари, шохлари кўпайди. Дарҳақиқат, ўсимлик сиртдан қаралса, кўз қувонадиган даражага етди. Кўпчилик хўжалик раҳбарларида ғўзаларнинг кўкига маҳлиё бўлиб, парваришни бўшаштиришдек зарарли кайфият туғилди. Афсуски, бу кайфиятга ҳали зарба берилганча йўқ. Ахир, ғўзаларнинг ҳосил тўплаши ўтган йилдагидан кам, мажбурият эса юқорику! Нега айрим хўжаликларнинг раҳбарлари ўзларини алдайдилар? Эрта ўтиб индинга тарози қурилганда ғўзаларнинг кўки эмас, тўплаган ҳосили тош босади. Буни асло унутмаслик, ҳосилни кўпайтириш чораларини кўриш керак.

Асоссиз равишда иссиқликка баҳо бериляпти, ўсимлик учун зарур бўлган ҳарорат етарли деб ҳисобланяпти. Таҳлил, кузатишлар эса аксинча натижа беряпти. Кўп жойларда, ҳатто жанубий областларда фойдали ҳарорат етарли эмас. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм областида ўсимликнинг иссиқликка бўлган талаби айниқса катта. Тўғри, қуёш сахийлик қиляпти. Лекин ҳарорат нечогли юқори бўлмасин, комплекс парвариш кучайтирилмаса, ғўзалар ундан тўла баҳраманд бўлолмайди. Бу эса парваришни пахта терими бошлангунча давом эттиришни тақозо этади.

Республика бўйича 900 минг гектар ерга икки-уч марта, ҳатто ундан кўпроқ чигит экилди. Фурсат ўтганлиги туфайли уруғ бир текис униб чиқмади, айрим жойларда ниҳоллар ола бўлди. Энди уннинг ўрнини тўлдириб бўлмайди. Шундай экан, йўқ кўчатларнинг ҳосилини мавжуд кўчатлардан олиш чораларини кўришимиз зарур. Ҳар туп ғўза ҳисобда бўлсин, деҳқон меҳрига, сувга, «шарбат»га қонсин!

Тўпланган кўсаклар сони ўтган йилдагидан кам. Бутун чоралар билан уннинг ўрнини тўлдирибгина қолмасдан, ҳар туп ғўзада 14—15 та тўқ кўсак бўлишини таъминлашимиз даркор. Бирорта ҳосил нишонасининг тўкилишига йўл қўймаслик, уни тўла сақлаб қолиш, тезроқ етилишини таъминлаш зарурий вазифадир. Чеканканинг тезкорлик билан ўтказилиши, ишнинг сифатли бажарилиши бу борада ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳамма жойда чеканкани тез кунларда тўла тугаллашга эришайлик!

Қаттиқ профилактик чоралар кўрилишига қарамай қатор районларнинг колхоз ва совхозларида ўргамчаккана, кўсак қурти ва бошқа зарарли ҳашаротлар кўпайяпти, ҳосилга хавф соляпти. Граждан авиацияси самолётлари, қўл аппаратлари ёрдамида кураш олиб бориляпти. Лекин ҳамма жойда ҳам шундай қилиняпти деб бўлмайди. Ҳашарот, зараркунандаларнинг кўпайиши ва тарқалишига бепарволик билан қараётган хўжалик раҳбарлари, химизаторлар йўқ эмас. Ҳашарот-зараркунандалар ҳосилнинг кушандаси эканини яхши биламиз, нега унга қарши қаттиқ ўт очмаймиз? Шу кунларда ишлатилмаган самолётлар, аппаратлар, химикатлар қачон ишлатилади? Химизаторларнинг масъулияти ва ташкилотчилик роли қачон оширилади? Бирор дона ҳосил нишонасини ҳашарот-зараркунандаларга ем қилиб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Бегона ўтлар тугатилмаган. Бегона ўтлар ҳашарот-зараркунандаларнинг тез кўпайишига ва тарқалишига қулай шароит яратади, машина теримига ғов бўлади, пахта сортининг пасайиб кетишига олиб келади. Комплекс ғўза парваришн даврида бегона ўтларни илдизи билан бутунлай йўқотайлик!

Механизаторларимиз машиналарда 4 миллион тонна пахта териб бериш мажбуриятини олганлар. Сўзнинг устидан чиқмоқ, ваъдага вафо қилмоқ учун мавжуд пахта териш машиналари, тележкалар, прицеплар, кўсак узадиган, чувийдиган, тўкилган пахтани терадиган механизм-агрегатларни тезлик билан сифатли ремонтдан чиқариб, линейкаларга тизиб қўйиш, механик ҳайдовчи кадрлар сафини комплектлаш, кўчма устаханалар ташкил қилиш, пахта тозалаш заводлари, пунктларини тахт қилиб қўйиш лозим. Ғўзаларни норма бўйича вақтида суғориш, говлатиб юбормаслик керак. Дефолиацияни қисқа фурсатда сифатли ўтказишга шайланиш даркор. Пахта тозалаш заводлари, пунктлари мавсумга пухта тайёрланиши керак.

Қарорда таъкидлаб ўтилганидек, дала ва фермаларда ишловчи барча меҳнаткашларнинг юқори унумли меҳнат қилиши ва нормал дам олиши учун яхши шароитлар вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, дала шийпонларидаги ишларни яхшилаш, оммавий-сиёсий ишларни, медицина, савдо-сотиқ ва маиший хизматни дала шийпонларида ташкил этиш зарур.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Киров номли колхоз маккажўхорикорлари ўримки нун сайин қизитмоқдалар. Далаларда «Херсонец» агрегатлари юксак унумларда ишлатилмоқда. Ҳар гектар ердан пландаги 65 центнер ўрнига 120 центнердан «ҳаҳрабо дон» олинаётир. Суратда: маккажўхори ўримпайти.

Ж. Тўраев фотоси.

ЭРТАГА ДИЙДОР КЎРИШАМИЗ

Учишни бошқариш маркази, 18 август. (ТАСС). Тарихда энг узоқ давом этган орбита бўйлаб киши бошқарадиган учиш поёнига етай деб қолди. Космонавтлар Владимир Ляхов ва Валерий Рюмин «Салют-6» — «Союз» илмий-тадқиқот комплекси ичидаги планлаштирилган ишларнинг ҳаммасини бажариб бўлдилар ва эртага ерга қайтиб келадилар.

Бугун экипаж «Союз-34» кемаси ичидаги системаларни текширмоқда ва станцияни автомат режимда учишга тайёрлашни давом эттирмоқда. Космонавтлар учиш ҳужжатларини, намойиш қилинган фотоплёнка кассеталарини, биологик объектлар солинган идишларни ҳамда бажарилган тадқиқотлар ва экспериментларнинг бошқа материалларини кеманинг туширилувчи аппаратига олиб ўтиб, жойлаштирмоқдалар, маиший бўлмага эса ишлатилган асбоб-ускуналарни олиб чиқиб қўймоқдалар.

Кун давомида экипаж жисмоний машқлар билан ҳам шуғулланмоқда ва «Чибис» вакуум костюмида машқлар ўтказмоқда. Кеча «қотишма» ва «кристалл» қурилмаларида вазнсизлик шароитида германий ва индий арсиниди монокристалларини етиштиришга доир иккита якунловчи эксперимент ўтказилди.

Космонавтларнинг докладларига ва телеметрия маълумотларига кўра, «Салют-6» — «Союз-34» орбитал комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ КЕРАК

ЛЕНИНГРАД, 17 август. (ТАСС). Бугун Смольнийда партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари, илмий муассасалар раҳбарларининг, ишлаб чиқариш илғорлари ва оммавий информация ва пропаганда воситалари вакилларининг кенгаши бўлди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ҳамда партия ва совет органларининг вазифалари тўғрисидаги қарори ва КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори асосида кўп масалалар кўриб чиқилди.

СССР Госплани раисининг ўринбосари А. В. Бачурин доклад қилди.

Кенгашда белгиланган тадбирлар сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга молик эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу тадбирлар ривожланган социализм экономикасини бошқаришнинг энг зарур проблемаларини комплекс ҳал этиш имконини бериб, планли системамизнинг афзалликларини намойиш қилади.

Ленинград индустрияси иқтисодий воситалардан самарали фойдаланишда катта тажриба тўплади. Шаҳардаги «Ижорск заводи», «Ленинград металл заводи», «Звезда», В. И. Ленин номли «Нева заводи», Виборг кемасозлик заводи каби етакчи бирлашмалар бир неча йилдан буён норматив-да белгиланган соф маҳсулот тайёрлашни планлаштириш методи асосида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Электр техника саноатининг етакчи корхоналари янги техникани ривожлантиришни моҳирлик билан рағбатлантирмоқдалар. Асбобсозлик министрлигига қарашли илғор заводларнинг коллективлари ўзларини план асосида маблағ билан таъминлаш принципига амал қилиб, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан ҳамма бўғинларнинг манфаатдорлигини оширишга муваффақ бўлдилар. Ленинградда шу йилнинг етти ойи мобайнида маҳсулот ўсишининг 95 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Ленинград шаҳри ва областининг партия ташкилотларида ана шу қарорларни бажариш соҳасида ташкилотчилик иши ва сиёсий иш ғоят кучайтириб юборилди.

Кенгашда уқтириб ўтилганидек, қабул қилинган ҳужжатларни амалий иш билан мустаҳкамлаш, янада унумлироқ ишлаш, самарали хўжалик юритиш, КПСС XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини бажариш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш лозим.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов нутқ сўзлади.

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

МАЖБУРИЯТЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленумида сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқида: «Гўшт, сут ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни сезиларли даражада ўстиришга эришиш — асосий вазифадир. Бунинг учун керакли шарт-шароитлар мавжуддир. Фермаларда мол туёғи кўпайди. Хўликлар озуқа билан ҳар қачонгидан кўра яхшироқ таъминланди. Ҳамма жойда молларни жадал боқиб семиртиришни уюштириш, уни шаҳарларга ва ишчи посёлкаларига бир меъёрда етказиб бериш зарур», — деди.

Совхозимиз чорвадорлари бу қимматли маслаҳатлардан ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб олдилар, чорвачиликни пахтачилик даражасига кўтариш режаларини белгиладилар. Шу ўринда икки муҳим фактни тилга олиб ўтамиз. Чорва молларнинг зоти яхшиланди, говмиш сигирлар сони кўпайтирилди, улар зоотехника қоидаларига амал қилинган ҳолда боқила бошланди. Айни кезда замонавий усулда молхоналар қурилиб, оғир меҳнат талаб қиладиган ишлар комплекс механизациялаштирилди.

Чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Шу мақсадда маккажўхори майдони кенгайтирилди, ҳосилдорлик оширилди. Ўтган йили гектаридан 93 центнердан «ҳаҳрабо дон» олдик. Пландаги 602 тонна ўрнига 1888 тонна дон тайёрланди, давлатга дон топшириш плани ортиғи билан бажарилди, уруғлик фонди ажратилди, чорва моллари учун етарли концентрат жамғарилди. Ниҳоят, чорва фермалари ўқимишли, ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамланди.

Амалга оширилган ана шу тадбирлар натижасида ўтган йили планда кўзда тутилган 75 тонна ўрнига 81 тонна гўшт, 433 тонна ўрнига 612 тонна сут тайёрланди.

Лекин ҳали чорва маҳсулотлари етиштиришда имкониятларимиз даражасидаги кўрсаткичларга эриша олганимиз йўқ. Ютуқларни мустаҳкамлашимиз, камчиликларни бартараф этишимиз, асосий эътиборни беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари анча ошириб бажаришга қаратмоғимиз керак. Самарадорлик ва сифат фаолиятимизда асосий ўринни эгалламоғи даркор. Совхоз маъмурияти ва партия ташкилоти эътиборни шунга қаратмоқда.

Бу йил ҳам қурилиш-ободончилик ишларини кучайтириш билан бир қаторда озуқа базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга жиддий аҳамият берямиз. 140 гектар майдонда маккажўхоридан юқори ҳосил етиштирдик. Гектаридан камида 100 центнердан сара дон оламиз. Ундан ташқари, силосбоп маккажўхорини ҳам анча кўпайтирдик. Бир сўз билан айтганда совхозимиз бўйича ғўшт ва сут етиштиришни ўтган йилдагидан 20—25 процент кўпайтириш учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

Чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳақида гап борар экан, ички имкониятларнинг ҳаммасини шу мақсад йўлига бўйсундиришимиз керак. Бундай имкониятлар эса оз эмас. Масалан, биз бир неча йилларда буён донли маккажўхорини беда билан аралаштириб ўстиряпмиз. Шундай қилинганда беда уруғи ҳам маккажўхори дони билан бир вақтда пишиб етилади. Натижада, ҳам беда уруғи кўпаяди, ҳам кўплаб сенаж, силос бостирилади.

Бу йил маккажўхори майдонларининг ҳосилдорлигини ошириб, 1400 тонна «ҳаҳрабо дон» тайёрлаш мажбуриятини қабул қилганмиз. Шунча ҳосил етиштирилди. Лекин сўталар ҳали пояларда турибди. Об-ҳаво ноқулайликлари туфайли бу йил ўрим-йиғим ишлари бироз кечикди. Бундай деб баҳона кўрсатишга ўрин йўқ. Ҳамма резервларни ишга солиб, ўрим-йиғимни жуда қисқа фурсатда ўтказамиз, бир туп маккажўхори пояси, бирорта сўтанинг исроф бўлишига йўл қўймаймиз. Ўрим комбайнларини вақтида сифатли ремонтдан чиқариб, мавсумга шайлаб қўйганмиз.

Ўрим-йиғимни тез ва соз ўтказиш учун комбайнчилар мусобақасини ташкил қилдик.

Маккажўхорикорлари м и з бу йил 7000 тонна силос бостиришга сўз берганлар. Силосхоналар тайёрлаб қўйилган. Шу кунга қадар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўп силос бостирилди. Яқин кунларда йиллик план бажарилади. Лекин бу билан чекланиб қола олмаймиз. Катта майдонларга такрор маккажўхори экямиз, ундан олинган ҳосилнинг бир қисмини силосга ажратиб, қолган қисмини сигирларга кўк ҳолида едирамиз.

Озуқа нечогли кўп жамғарилмасин, унинг ҳар килограммидан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланилмаса, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Биз мутахассислар, тажрибакор чорвадорлар билан маслаҳатлашиб, ҳар бош қорамол, шу жумладан сигирга, ёш ва ўрта ёш бузоққа қиш мавсуми учун қанча дағал хашак, концентрат кераклигини аниқлаб олдик. Жамғарилган хашакни тақсимлаб чиқдик, бу борада кутилган натижага эришдик. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам камида икки йиллик план миқдорида хашак жамғаришимиз керак. Шуни назарда тутиб, дарё, ариқ-зовурларнинг қирғоқлари, йўлларнинг четларидаги ўтларни ҳам ўриб оляпмиз, қишлов жойларига ғарамлаб қўйяпмиз.

Совхозимизда пахта—беда алмашлаб экиш кенг йўлга қўйилган. Ҳар қандай шароитда ҳам алмашлаб экиш схемасига қатъий риоя қиламиз. Тажриба шуни кўрсатдики, уч йиллик беда майдонларида беш юз килограммгача табиий азот пайдо бўлади. Натижада, беда ҳосилдорлиги кўтарилибгина қолмасдан, пахтадан ҳам катта хирмон уюлади. Биз узоқ йиллардан буён ҳар гектар бедазор ҳосилдорлигини йилма-йил 25—30 центнер кўтариб келяпмиз, кутилгандан знёд беда пичани, сенаж тайёрлаяпмиз.

Буларнинг ҳаммаси хўжалигимизда сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотларни кўпайтириш, сортини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш имконини бераётир. Паррандачилик гўшт ва тухум етиштиришни кўпайтиришда муҳим резервдир. Биз товуқларни уч йўналишда — тухум олиш, тухум, гўшт олиш ва гўшт олиш йўналишида ўстиряпмиз. Тўғри, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз керак. Замонавий товуқхоналар қуряпмиз, товуқлар озуқа базасини кенгайтиряпмиз. Натижада, ҳозирдаёқ тайёрлов ташкилотларига пландаги 60 минг ўрнига 76 минг дона тухум етказиб берилди. Келаси йилдан бошлаб товуқ гўшти, тухум етиштиришни бир ярим-икки баравар кўпайтирамиз.

Партия ва ҳукуматимиз чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун чорвадорларга жуда катта моддий-техника ёрдами беряпти. Бу ғамхўрликка амалий иш билан жавоб бериш шарафли бурчимиздир. Совхозимиз чорвадорлари озуқабоп экинларни тезкорлик билан ўриб-йиғиб оладилар, давлатга маккажўхори дони топшириш планинигина эмас, балки социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажарадилар, қишловни пухта тайёргарлик билан кутиб оладилар.

У. ЖАМОЛОВ,
Самарқанд областидаги «Пайариқ» совхози директори.

XI ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛДА

ЭКРАН КУРАШЯПТИ ВА ЎЙЛАЯПТИ

Ҳужжатли кинематографияни оламнинг дарчаси деб айтишади. «Кичик» формаларнинг катта санъатини томошабинга ҳар томонлама кенг қўламда намойиш этган XI Халқаро кинофестиваль экрани шу сўзларнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Бу санъатнинг табиатини ҳаётга бепарво қарашга йўл қўймайдиган шу жанрнинг ўзи белгилаб беради.

Даставвал Вьетнам киноҳужжатчиларининг лентала-рини айтиб ўтгимиз келади. Бу ленталар Вьетнам қаҳрамон халқининг бахт-саодат ва озодликка, тинчлик ва социал тараққиётга интилишини ифодалайди. «Зарядье» кинотеатрида қисқа метражли фильмлар конкурсини очиб берган «Хонаданинг овози» фильми машҳур актриса Тхан Ньяга аталган эҳтиросли поэтик ёдгорликдир. Аксилиқилобчилар унинг ҳаётига ёвузларча завол бўлдилар, лекин хонаданинг овози ҳамон одамларни жасоратга даъват қилмоқда.

Вьетнамлик киноусталар 17 август куни кўрсатган ва фестиваль қатнашчилари ҳамда меҳмонларининг зўр қизиқишига сазовор бўлган «Кампучия: вайрон бўлган, тикланаётган мамлакат» лентаси ҳам ана шундай. Кинокамера халқнинг турихий ғалабасидан кейинги, кўҳна жафокаш мамлакат тиклана бошлаган, янги бахтли ҳаёт қурила бошлагандаги Кампучияни акс эттирган.

Москвадаги кўрик экрани кино шинавандаларини янги номлар билан — кекса авлод усталари анъаналарини самарали ривожлантириб бораётган, замондошга, замондош шахсининг камол топишига диққат-эътибор берганлиги кўринриб турган ёш режиссёрларнинг ишлари билан таништиради. К. Зануссининг шогирди, польшалик ёш режиссёр К. Кесьлевский «Киноҳаваскор» деган бадиий фильмида ўз тенгқурининг ижтимоий онги ўсиши тарихини ҳикоя қилади. 17 август кундиги конкурсда қатнашган лента автори санъат қандай қилиб қаҳрамоннинг характерини шакллантиришини, унинг дунёқарашини кенгайтиришни, камчиликларга қарши курашда принципиаллик, муросасизлик хислатлари ҳосил қилишини яққол кўрсатиб беради.

Болалар фильмлари кўриги ўтказилаётган Ленинские горидаги пионерлар саройи ҳақиқий кино масканига айланган. Болалар фестивалда ёрқин, қизиқарли, беҳад бой дунёни очиб берувчи кино билан танишмоқдалар. ГДР усталари конкурсга келтирган «Қизил галстуклар» картинасининг авторлари шу курашда болалар ҳам қатнашишлари керак, дейдилар. Венгер кинематографиячиларининг «Декча ва картошкабурун» деган лентаси болаларнинг аҳиллиги тўғрисида мароқли ҳикоя қилади. Бу фильмлар қарсаклар билан кутиб олинганлиги уларнинг инсонпарварлик ғоялари ёш томошабинларнинг қалбига йўл топа билганлигини тасдиқлайди.

Л. ЕРМАКОВА,
М. РОЖДЕСТВЕНСКАЯ,
Е. ХОРЕВА,
ТАСС мухбирлари.

ҚАРОРЛАР ИЖРОСИНИ ТЕКШИРАМИЗ

СЕССИЯДАН СЎНГ

Сирдарё областининг марказ — Гулистон шаҳри йилдан-йилга юксалиб, обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Шаҳримизнинг саноати юксалмоқда, қурилиши, транспорт ва алоқаси яхшиланмоқда, маданияти гуркираб ўсмоқда. Буларнинг барида шаҳар Совети атрофига жипслашган халқ депутатларининг роли каттадир. Шаҳар Совети ижроия комитети атрофига 112 нафар депутат бирлашган. Уларнинг жонкуярликлари туфайли шаҳримиз хўжалиги бир текисда ривожланмоқда, КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Партиямизнинг тарихий XXV съезди қарорлари, СССР янги Конституциясининг қабул қилиниши Советларнинг ролини оширди, уларнинг ишчанлигини ва ташаббускорлигини ўстирди. Депутатларимиз, улар атрофига бирлашган активистлар ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига, яратувчилик ишимизнинг барча жабҳаларига янада актив аралашадиган, ғоятда жонкуярлик билан иш кўрадиган бўлиб қолдилар.

Кейинги йилларда партиямиз Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев Советларнинг роли ва фаолиятини ошира бориш масаласига катта эътибор бермоқдалар. Бу эса Советларнинг сессияларида, ижроия комитет мажлисларида қабул қилинаётган қарорларнинг ижросини назорат қилиш, ана шу қарорларнинг тўла-тўкис бажарилишига эришиш билан бевосита боғлиқдир.

Гулистон шаҳар Совети, унинг ижроия комитети бу соҳадаги фаолиятини муттасил активлаштириб боришга, орттириб келинаётган тажрибаларни янада бойитиш ва мустаҳкамлашга интилиб келмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздай янги қурилишлар туфайли шаҳримиз кенгаймоқда, унинг қўйнида янги корхоналар, маданий-маиший муассасалар кўпаймоқда, аҳолининг сони муттасил ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида шаҳардаги автотранспорт хизматига нисбатан аҳолининг талаб-эҳтиёжи ўсганлигини кўрсатди. Шуни эътиборга олиб биз бу масалани шаҳар Совети сессиясида муҳокама этишга қарор қилдик. Шундай қилиб, ўтган йилнинг октябрь ойида ўтказилган шаҳар Советининг навбатдаги IX сессияси кун тартибига «КПСС XXV съезди қарорлари асосида шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш чоралари» тўғрисидаги масала муҳокамага қўйилди. Хўш, сессияда кун тартибидаги ана шу муҳим масала юзасидан нималар тўғрисида гапирилди?

Ҳозир шаҳримиздаги автобазалар ҳамда бошқа автохўжаликларда 600 та автомобиль, 133 та автобус, 50 дан ортиқ такси енгил автомашинаси бор. Улар кучи билан ҳар йили 5 миллион тоннадан ортиқ халқ хўжалик юклари манзилга етказилади, 14 миллион пассажирга хизмат кўрсатилади ва ҳоказо. Сўнгги йилларда шаҳримиз ўзининг йирик, замонавий автовокзали ва автостанциясига эга бўлди. Умуман олганда, ўнинчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида шаҳар автомобили, таксомотор хўжаликлари анчагина ривож топди. Мавжуд автобазаларни кенгайтириш, янгиларини барпо этиш йўлида кўп ишлар қилинди. Жумладан, ана шу мақсад йўлида 1,5 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 12-автобаза ва 30-автобаза қайтадан қурилди, автобус-таксомотор парки қурилиши эса тугалланай деб турибди. Айни пайтда меҳнат коллективларининг ишчанлигини ошириш, зарбдорлар сафини ўстириш йўлида кўп иш қилинди ва қилинмоқда. Автотранспорт хўжалиги коллективларидан 5 нафар шофер шаҳар Советининг депутати қилиб сайланган. Улар ишлаб чиқаришда намуна кўрсатишмоқда. Депутатлардан 30-автобаза шофери А. Бобоев, 12-автобаза шоферлари А. Михиенко, Н. Жердецкий, автобус-таксомотор паркининг такси ҳайдовчиси Ф. Шарипов ўртоқлар, бир беш йиллиқда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун курашмоқдалар. 40 дан ортиқ шофер эса уларнинг изидан бормоқда. 150 нафар ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ёшларга мураббийлик қилмоқдалар. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина улар ёрдамида 300 дан ортиқ ёш транспортчилар сафига қўшилди. Бундай ажойиб, қувонарли мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шулар билан бир қаторда сессияда бу соҳадаги камчиликлар ҳам очиб ташланди. Докладчи ва музокарада сўзга чиққан депутатлардан А. Бобоев, М. Тошбоев, А. Емельянов, Х. Ёқубов ва бошқа ўртоқлар автобус-таксомотор парки-нинг ишини яхшилаш, автопарклардан фойдаланиш коэффициентини ўстириш ҳамда бошқа муҳим масалалар устида фикр юритдилар, конкрет таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Хусусан шаҳарда қатнайдиган автобуслар графигининг бузилиши, носоз машиналарни рейсга чиқариш, автобус салонларини тозаламаслик ҳоллари тез-тез учраб тургани, шаҳарда автобус харакатини акс эттирувчи хариталар йўқлиги сингари нуқсонлар қаттиқ танқид остига олинди. Айниқса, шаҳар автобус-таксомотор парки бошлиғи ўртоқ Г. Емельянов шаънига кўп эътирозлар билдирилди. Пировардида кўрилган масала юзасидан кенгайтирилган, конкрет қарор қабул қилинди.

Қарор — ижроси билан кучли. Гулистон шаҳар Совети, унинг ижроия комитети, доимий комиссиялари, қолаверса ҳар бир депутат қабул қилинган қарорларнинг изчиллик билан амалга оширилиши йўлида курашади, бошланган ҳар бир ишни охирига етказишга ҳаракат қилади. Хўш, юқоридаги шаҳар Советининг IX сессиясида қабул қилинган қарор юзасидан қандай тадбирлар амалга оширилди? Шу йил июль ойининг охирида шаҳар Советининг ижроия комитетига автобус-таксомотор парки, шаҳар автоинспекцияси, коммунал хўжалиги ва бошқа тегишли ташкилотлар ўзларининг шу борадаги тўққиз ойлик фаолиятлари тўғрисида ахборот бердилар. Энди мамнуният билан шу нарсаларни айтиш мумкинки, сессиядан кейинги ўтган давр мобайнида катта, сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, шаҳарнинг турли олис районларини бир-бири билан боғлайдиган 3 та янги маршрут очилди ва ҳозир ана шу маршрутларда 5 та микроавтобус қатнаб турибди. Гулистон шаҳрини Бухоро, Навоий, Каттақўрғон, Самарқанд шаҳарлари билан боғлайдиган янги маршрутлар очилди. Тошкент—Гулистон маршрутидаги ҳамда шаҳар ичидаги энг серқатнов 1 ва 2-маршрутлардаги автобуслар янгиланди, уларнинг сони кўпайтирилди. Автобусларнинг тушлик пайтларида тўхтаб қолиш ҳолларига барҳам берилди, таксидан фойдаланиш системаси анчагина яхшиланди ва такомиллаштирилди. Шаҳардаги ўз автотранспортига эга бўлган 137 та ташкилотнинг барчасида техника кўриги ўтказилди, 5 та энг йирик автотранспорт хўжаликларида эса ҳар ҳафтада бир маротаба техника кўриги ўтказиш одат тусига айлантирилди. Шаҳримиздаги барча светофорлар, йўл кўрсатиш белгилари қайтадан созлаб чиқилди, 120 та янги белгилар ўрнатилди, 12 та кўча капитал ремонтдан чиқарилди, чорраҳалари кенгайтирилди, 15 та остановкада соябон қуриш устида иш олиб борилмоқда ва ҳоказо. Юқоридаги каби муҳим тадбирларнинг амалга оширилиши — биринчидан шаҳар аҳолисини мамнун этса, иккинчидан шаҳар Совети, унинг депутатларининг халқ орасидаги обрўйини оширмоқда, уларга нисбатан бўлган ҳурмат ва ишонч ортмоқда. Бу каби мисоллар оз эмас. Биз қабул қилинган ҳар бир қарорнинг изчил амалга оширилиши учун бор имкониятимизни ишга солмоқдамиз. Ўтган йили ва шу йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар Советининг сессиясида шаҳримиз экономикаси, саноати ва қурилиши, медицина, маданий-маиший ва бошқа соҳаларга оид бўлган 19 та масала кўрилди. Шулардан 15 тасининг қарори тўла-тўкис ижро этилди, қолганлари эса ҳозир бажарилиш арафасида турибди.

Шаҳар Совети ижроия комитети, унинг бўлимлари ва доимий комиссияларининг фаолиятларидан ҳам ана шундай мисолларни келтириш мумкин.

Биз ўзимизнинг бу соҳадаги фаолиятимизни янада кучайтиришга, тажрибаларимизни бойитишга, унинг янги форма ва методларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз, бу йўлда муттасил изланамиз. Қабул қилинган ва юқори органлардан юборилган қарорларнинг ижросини доимо назорат қилиб боришни кундалик, доимий ишимиз деб биламиз.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
халқ депутатлари Гулистон шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ЯҚИН

Ҳадемай, мактабларда биринчи қўнғироқ янграйди. Илм чўққиларини эгаллашга отланган ўғил ва қизларимиз парталарга ўтиришади. Ўнинчи беш йилликнинг зарбдор тўртинчи йилида улар учун ўнлаб мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Совет Ўзбекистони» мухбирлари ана шу ҳақда хабар қиладилар.

⊙ ТОШКЕНТ

Студентлар шаҳарчаси чинакамига қурилиш майдонига айланган. Бу ерда кўплаб илм даргоҳлари қад ростлаяпти. Тошкент Давлат университети ва Тошкент политехника институтининг ўқув корпуслари массив ҳуснигаҳуси кўшиб турибди. Яна бир улкан илм кошонаси — янги мактаб улар сафидан ўрин олди.

1568 ўқувчига мўлжалланган мактабни «Главташкентстрой» 6-қурилиш трестининг 70-бошқармаси бинокорлари барпо этишди. Пудратчи ташкилотларнинг жонкуярлиги туфайли бино қурилиши муддатидан илгари якунланди. Пардозлаш ишлари эса қизғин кетмоқда. Мактабнинг ўқув корпусига шу йил 20 мартда пойдевор қўйилган эди. Аслида ўқув корпуслари қурилиш муддати 12 ой. Қурувчилар зўр шижоат билан ишлаганликлари туфайли мактаб эшиклари очилиш арафасида.

— Халқаро болалар йилини яхши натижалар билан якунлаш бизнинг асосий мақсадимиз, — дейди Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, комплекс бригада бошлиғи С. Варахтин. — Мактаб қурилишида 200дан зиёд бинокор ишлаяпти. С. Абдуқодиров, И. Сивриденко етакчилигидаги бригада аъзолари ҳаммага намуна бўлишмоқда. Ердамчи пудратчилар — пардозлаш трести, «Ўзэлектромонтаж», «Ташсантехгазмонтаж» тресті ишчи-хизматчилари ҳам яхши ишлашмоқда.

Мактаб қурилишига бир миллион сўмдан зиёд капитал маблағ сарфланиши керак. Ҳозирнинг ўзида 960 минг сўм маблағ ўзлаштирилди. Бу иш икки сменада ташкил этилганлиги, бинокорлик материалларидан тежаб-тергаб фойдаланилганлиги самарасидир.

Янги мактаб тўрт корпусдан иборат. Синф хоналари кенг ва ёруғ. Ўқув хоналари ёнида устахоналар жойлашган. Ҳозир янги мактаб қурилишида сўнгги тараддуд ишлари бормоқда.

⊙ УЧҚЎРҒОН

1 сентябрь куни пахта тозалаш заводи, ёғ заводи, шунингдек «Учқўрғон» совхози ишчиларининг 1200 ўғил ва қизлари янги мактабда ўқув йилини бошлайди.

Учқўрғон райони Наманган областида биринчи бўлиб мактаблар ремонтини ҳам тугатди. Бунда мактабларни оталиққа олган саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг ишчилари яқиндан ёрдам беришди.

АФҒОНИСТОНЛИК МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ФАРҒОНАДА

Афғонистон мактаб ўқувчиларининг катта бир группаси Фарғона пионерларининг меҳмони бўлди. Дўст мамлакатнинг ёш вакиллари ўзбекистонлик тенгқурлари билан танишадилар, республиканинг қадимги шаҳарлари Марғилон, Қўқон, Шоҳимардонга экскурсия қиладилар, шаҳардан ташқаридаги пионер лагерларида бўладилар. Афғонистонлик болалар Фарғонанинг илк пионерлари, областнинг донгдор кишилари билан ҳам учрашадилар. (ЎзТАГ).

БУГУН—СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

Ленин орденли Ленинград ҳарбий округи. Н. авиация қисми жангчилари ўз байрамларини ҳар томонлама муносиб нишонламоқдалар. Жангчилар ва учувчиларнинг жанговарлик кўникмаси ва маҳоратлари кун сайин ошмоқда. Қисм жангчилари ҳарбий тайёргарликни кучайтириб, мамлакатимизнинг ҳимоя кудратини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Н. Беркетов фотоси.
(ТАСС).

АВИАТОРЛАР ШАРАФИГА

Пойтахт меҳнаткашлари ва Москва гарнизони жангчиларининг СССР Ҳаво Флотига бағишланган тантанали йиғилиши 17 август куни Москвада бўлиб ўтди.

Президиумда КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Н. И. Савинкин, мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев, мудофаа министрининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ўтиришдилар.

Авиация саноати министри В. А. Казаков, ҳарбий-ҳаво кучлари бош қўмондонлигининг биринчи ўринбосари авиация маршали А. Н. Ефимов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари гулдурос қарсаклар остида КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ—ҲАММАНИНГ ИШИ

ОЛТИН КЎЗА

Деҳқон ва деҳқонзодаларнинг кўнглига яқин, қадрдон икки маскани бор. Бири — киндик қони тўкилган, кеча-кундуз бахту иқбол нашъаси аримайдиган нурли хонадони, бошқаси эса даладаги оромгоҳи, севимли уйи — дала шийпони! Оромгоҳ бўлганда ҳам худди дам олиш уйининг ўзгинаси. Чунки, унда деҳқоннинг туш пайтларда завқли меҳнатдан кейин мириқиб дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Бу ишнинг гамхўр ташкилотчилари жойларда бошланғич партия ташкилоти, хўжалик раҳбарлари, жонкуяр, стакчи коммунистлар!

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз далаларида бўлганимизда шунинг гувоҳи бўлдик.

Туш пайти. Осмон гумбазида тиқ келиб қолган август қуёши ҳамон ҳароратини пасайтирганича йўқ. Ундан тўкилаётган шода-шода нур оғушида бутун борлиқ қизиган тандирдай тобга келган. Ердан қучли ҳарорат кўтариляпти. Деҳқон ардоғида кун санаётган ҳар туп ғўза гуркираб ўсяпти, барглар орасида етилаётган шода-шода кўсаклар ҳадемай кумуш пиёлага айланади, колхоз деҳқонларига омад, унинг обрў-эътибори бўлиб боқади. Уларнинг ғурури, ифтихор туйғуси бўлиб гавдаланади. Ҳа, энди сермашқат оғир кунлар ортда қолди, уларнинг кураш ва интилишлари бу йил 6 минг тонналик «оқ олтин» хирмони кўтаришдан тўла далолат бераётир.

Биз пахтазорлар, мевазор боғлар ва полизлар оралаб, колхознинг Худойберди Эгамбердиев бошлиқ 18-бригадаси дала шийпонига келдик. Шийпон кунга қараган, оппоқ булутдай товланиб турарди гўё. Ўртада ҳовуз, шишадек кўм-кўк зилол сув жимирлайди. Шоҳсупа атрофида турфа гулрайҳонларни енгил эсаётган майин шабада тебратар, хушбўй ҳид таратарди. Мажнунтоллар шохларини ларзон ташлаб, салқин соя берган. Хушманзара жойга қурилган шийпон бир неча хонадан ташкил топган. Хоналар, унинг деворлари шиор ва плакатлар билан безатилган.

«Болалар — бизнинг келажагимиз!», «Ҳамиша сизга бахт ёр бўлсин, болалар!» — мана шундай шиорлар ёзилган хонага кирамиз. Бу ер жажжи дўмбоқчалар маскани. Икки хонага 28 та каравот қўйилган. Оппоқ безатилган каравотларда далада меҳнат қилаётган оналарнинг азиз болалари мириқиб ором олишяпти. Бригада мавсумий болалар яслиси мудираси Шарофат Аббарова уларнинг атрофида меҳрибон онадек гирди-капалак, парвона. Енидаги хона эса хотин-қизларнинг дам оладигани жойи. Хона ораста, тўрда «зангори экран», токчада эса радиоприёмник турибди. Ишдан қайтган йигит ва қизлар кечқурун бу ерда телевизор кўришади, радиоприёмникдан ёқимли куй ва қўшиқлар эшитадилар. Эркаклар хонасида ҳам шундай манзара.

Бошқа хонага ўтамиз. Бу бригаданинг доимий кутубхонаси. Китоб жавонларига оммавий-сиёсий, бадиий адабиётлар тартиб билан териб қўйилган. Столда газета-журналларнинг янги сонлари кўзга ташланади. Деворда «Жанговар варақа» ва «Бригада ойнаси» деворий газетасининг янги сони илиб қўйилган. Диаграммаларда эса бригадада кундалик бажарилган ишлар натижаси: сувчи, механизатор ва чопиқчиларнинг кундалик нормани қандай бажараётганлиги, уларнинг моддий манфаатдорлиги ўз ифодасини топган. Бу, Низомий номли ўрта мактабнинг ўқитувчиси, шу бригаданинг сиёсий ташкилотчиси Жаъфар Абдуқосимов ва бригада ҳисобчиси агитатор Абдуманнон Ортиғалиевларнинг дала шийпонида оммавий-сиёсий ишларни намунали йўлга қўйганликлари тимсоли.

Бошқа хона эса ўз-ўзига хизмат қиладиган бригада дўкони. Буларнинг ҳаммаси одамлар учун, бригада пахтакорлари учун! Энг чеккадаги хона эса овқат тайёрланадиган жой. Бу ерда ширинқўл ошпаз Ўринжон Олимова ҳар куни уч маҳал бригада аъзоларига мазали таомлар пишириб беради. Ҳа, бригаданинг дала шийпони деҳқонларнинг чинакам дам оладиган манзилгоҳига, оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантирилган.

Чиндан ҳам яхши дам — меҳнатга ҳамдам бўлаётир. Бригада аъзоларининг самарали меҳнат қилиб, ҳордиқ чиқаришлари учун дала шийпонида барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бу эса ишда самарадорлик ва сифатни оширишда муҳим омил бўлмоқда. 70 гектар майдондаги ғўзаларга бир текисда комплекс ишлов берилаётганлиги туфайли гектаридан 40 центнердан пахта хирмони кўтариш учун тўла асос яратилди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 5—6 тадан кўсак бор.

Сув — ғўзанинг қони, сувчи эса экинни яшнатувчи. Бригадада 12 сувчи бор. Улар уч группага бўлиниб, иш юритишмоқда. Муҳиддин Қозоқбоев, Саидгани Рихсибоев, Қўчқор Нурматов, Йўлчи Турсунов сингари сувчилар ҳар куни 1,5-2 гектардаги ғўзага қондириб «шарбат» суви оқизишмоқда. Бу, кундалик суғориш нормаси икки ҳисса бажарилди, деган сўз!

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида меҳнаткашлар ўртасида, ғоявий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, барча партия ташкилотларининг муҳим вазифаси эканлиги қайд қилинган. Колхоз партия комитети мазкур қарордан келиб чиқиб, дала меҳнаткашлари ўртасида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни шу кун талаблари асосида ташкил этиш юзасидан муҳим тадбирларни белгилаб амалга оширмоқда. Шу тадбирларга асосан бутун эътибор ғўза парваришида ва пахта йиғим-терими муваффақиятли ўтказишга, дала шийпонларида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга, самарадорликка эришишга қаратилган. Хўжаликда ҳозирги вақтда 40 агитатор ва 60 сиёсий ташкилотчи ўз участкаларида ташвиқот-таргибот ишларини намунали олиб бораётир. Улар социалистик мусобақани жонлантириш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш ва дала шийпонларида моддий шароитларни яратишда ташкилотчилик қилмоқдалар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти далада ишлаётганлар учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга катта эътибор бермоқда. Участка ва бригадалар ўртасида ҳам ҳар бир чопиқчи, механизатор ва сувчи ўртасида шахсий мусобақа ташкил этилган. Мусобақа шартлари ҳам 10 кунда якунланиб, голиблар пул ва саноат молари билан мукофотланади.

Хўжаликда 220 сувчи бор. Улар ўртасида ҳам социалистик мусобақа авжида. Ҳар бир сувчи белгиланган нормага мувофиқ кундузи бир гектар ердаги ғўзани суғоргани учун 6 сўм, кечаси бир гектар ниҳолга қондириб сув тарагани учун 9 сўм, 10 кунлик мусобақада голиб чиққани учун иш ҳақига қўшимча равишда 25 процент миқдорида мукофот олади. Чопиқчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга катта эътибор берилаётир. Уларга норма бўйича 20 сотих ердаги ғўзани сифатли чопиқ қилгани учун 2 сўму 54 тийиндан пул тўланмоқда. Ҳар бир чопиқчи кунлик нормани 1,5-2 баравар ошириб адо этмоқда.

Ғўза парваришида бригадаларда кундалик бажарилаётган иш сифати катта эътиборда. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳузурида махсус сифат комиссияси ишлаб турибди. Бу ишнинг масъулияти колхознинг бош агрономи Жамол Тўйчиев зиммасида. Комиссия составида 18 тажрибали, ташкилотчи коммунист бор. Улар ҳар бир бригадага биркитиб қўйилган. Ҳар ўн кунда бажарилган иш сифатини назорат қилиб туришади. Культивация, чопиқ ва суғориш ишларини текшириб, ўлчаб қабул қилиб ишлади, бажарилган ишларнинг сифатига қараб колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги мунтазам ошириб борилади.

Хўжаликда бундай тадбирларнинг амалга оширилиши яхши самара бераётир. 1464 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариш учун тўла асос бор. Сифатли парвариш қилинаётган ғўзалар бир текис ривожланиб, шода-шода кўсакламоқда. Ғўзаларнинг зумрад яроқлари остида ҳар куни тўлишиб бораётган олтин кўзаларнинг ҳадемай кўзи очилади, кумуш тиллага айланади. Хирмонларда оқ тоғлар юксалади. Ўша кунлар яқин!

А. АҲМЕДОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ—МУЗЕЙ МЕҲМОНИ

17 август куни Москвада СССР Марказий революция музейида қишлоқ хўжалик илғорлари, ёш ишчиларнинг дастлабки чўлқуварлар, ишлаб чиқариш ветеранлари билан учрашуви бўлди. Бу учрашув КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Дон етиштиришни кўпайтириш учун қўриқ ва бўз ерларни янада ўзлаштириш тўғрисидаги қарори эълон қилинган куннинг 25 йиллигига бағишланди.

Меҳмонлар Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китоби асосида ташкил этилган виставкани ва «КПССнинг аграр сиёсати амалда» экспозициясини кўздан кечирдилар. (ТАСС).

НАЗОРАТ БЎШАШТИРИЛГАЧ

ТЕЖАЛГАНИ—ЭЛ БОЙЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» ТАШКИЛОТЛАРИДА ЕНИЛҒИ РЕСУРСЛАРИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА?

Жонажон Ватанимизнинг ёнилғи базаси жаҳонда энг қудратлидир. Унинг потенциали йилдан-йилга ошиб, халқ хўжалигининг турли соҳалари эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда. Ўнинчи беш йилликда ёқилғи-энергетика базасининг янги комплекслари ишга туширилади, унинг баланс структураси такомиллаштирилади.

КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида жамиятимиз экономикасини янада ривожлантиришнинг кенг программаси белгилаб берилди. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида, шу жумладан ёнилғи-энергетика маҳсулотларини ишлатишда ҳам иқтисод режимини кучайтириш, самарадорлик ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифаларидир, деб таъкидланди.

«Совет Иттифоқи, — деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин партия XXV съездида қилган докладида, — ўзининг ёқилғи-энергетика ресурслари негизида ўз экономикасини ривожлантираётган жаҳонда бирдан-бир индустриал давлатдир. Бу эса экономикамизнинг жиддий афзаллиги ва экономикамизни муттасил ўстира боришнинг жуда муҳим шарт-шароитидир, лекин бу афзалликни тўла равишда ишга солмоқ учун ресурслардан рационал ва тежамли фойдаланиш зарур».

Республикамиз халқ хўжалигида партия ва ҳукуматимиз қарорларига жавобан энергетика бойликлари ва ёнилғи маҳсулотларидан унумли фойдаланиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Ёнилғи ишлаб чиқариш, уларни ташиш ва сақлаш ишларида чиқимни камайтириш тадбирлари кўрилмоқда. Аҳолини иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлашда, корхоналар ва қишлоқ жойларига ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб беришда муайян муваффақиятларга эришиляпти.

Республика Давлат нефть инспекцияси ходимлари Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» ташкилот ва корхоналарида ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, уларни ҳисоб-китоб қилиш ва фойдаланишнинг аҳволи юзасидан текшириш ўтказдилар. Маҳсулотларни сақлаш, уларнинг ҳисоб-китоби, жойларга тақсимлашда ва фойдаланишда ибратли ишлар қилинган. Шу билан бирга, материалларни тежаб ишлатиш борасида камчиликлар борлиги аниқланди.

Колхоз ва совхозлар, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига нефть маҳсулотларини марказлаштирилган ҳолда етказиб бериш ҳамда нефть омборлари, машиналарни ёнилғи билан таъминловчи пунктларга техника хизмати кўрсатиш республика «Госкомсельхозтехника»си зиммасидадир. Лекин бу масала тўла ҳал этилмаган. Натижада кўплаб давлат маблағи бекорга сарфланмоқда. Текширилган 22 объектдан бештасида (жумладан Ильич, Чортоқ районлари ва Қизилтепа районларо бирлашмасида) ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини тежаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Қатор районларнинг хўжаликларидаги автоцистерналар марказлаштирилган тармоққа боғланмаган. ГОСТ бўйича қайта ишловдан ўтказилмаган автоцистерналарда турли хил нефть маҳсулотларини ташишга йўл қўйилмоқда. Бунинг оқибатида турли нефть маҳсулотлари аралашиб, унинг сифатига путур етаяпти. Нефть маҳсулотларини марказлаштириб ташиш республикамизнинг 114 районидан бор-йўғи 29 тасида ташкил этилганлиги ачинарлидир.

Текширилган хўжаликларнинг айримларида нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва ишлатишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Натижада ёнилғи нормадан ортиқ йўқотилмоқда. Нефть маҳсулотлари омборхоналари старлича жиҳозланмаган, резервуарлар зич беркитилмаган, «нафас олиш» клапанлари йўқ, баъзилари эса, бутунлай беркитилмаган, тарқатувчи шланглар, сальник бирикмалари ва қувурлар туташган ерлардан ёқилғи маҳсулотлари томиб ётипти. Бу хилдаги хўжасизлик ва масъулиятсизлик натижасида юзлаб тонна халқ хўжалиги юкларини ташиш мумкин бўлган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари исроф бўлмоқда. Масалан, кейинги вақтда Янгийўл район бирлашмасида беш тонна, Оржоникидзе район бирлашмасида ўн бир тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари ҳавога совурилганлиги аниқланди.

Машина ва техника воситаларининг юқори унум билан ишлаши кўп жиҳатдан бензин сифатига боғлиқ. Жойларда автомобиль ёнилғиларини бир бирига аралаштириб ишлатиш содир бўлмоқдаки, булар автоагрегатларни сафдан чиқаришга олиб келаётир. Хўжаликларнинг кўпчилигида ёнилғи ва ёғ-мой тақсимлагич колонкалари йўқ. Ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари дуч келган идишларда тарқатилиши оқибатида уларнинг ортиқча парланиши, тўкилишига йўл қўйилмоқда. Когон, Навоий, Пахтакор, Калинин район бирлашмаларида юқорида айтилган камчилик кўплаб кўзга ташланади.

Социалистик мулкни эҳтиёт қилиш, ундан самарали фойдаланиш ҳаммамизнинг жонажон бурчимиздир. Колхоз ва совхозлар, ишлаб чиқариш участкаларида нефть ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини авайлаб асраш, сарфлаш жонкуярлари жуда кўп. Биз улар билан ҳақли суратда фахрланамиз. Афсуски, бажарилмаган ишни бажарилди деб кўрсатадиган, давлат автомашиналаридан ўз манфаатлари йўлида фойдаланадиган шахслар ҳам учраб турибди. Айниқса, йўл варақаларини тўлғазишда чалкашликларга йўл қўйиляпти. Бўз ва Когон район бирлашмалари, Бухоро районларо ишлаб чиқариш бирлашмасида йўл варақаларидаги рақамлар билан машина спидометридаги кўрсаткичлари ўртасида фарқ борлиги аниқланди. Автомашиналар бакларида қолган бензин миқдори, мойлаш маҳсулотлари йўл варақаларида кўшинча аниқ кўрсатилмаяпти. Ишлар ҳажмини нотўғри кўрсатиш ҳоллари мавжуд. Бундай вақтда ёнилғини тежаш ҳисоб-китоби нотўғридир. Масалан, Бухоро районларо ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳайдовчиси Ҳ. Арзиев апрель ойида нормадаги 1770 литр ўрнига 900 литр бензин сарфлаган. У 870 литр бензинни тежагандек туюлади. Аслида эса бажарилган иш ва босиб ўтилган йўл ошириб кўрсатилган.

Хўжаликларда ёнилғини нормадан ортиқ сарфлаш ҳоллари ҳам учраб турибди. Масалан, Когон район бирлашмасида ГАЗ-52 автомашиналари учун СССР Госплани томонидан тасдиқланган нормадаги 100 километр йўл учун 23 литр ўрнига 25,5 литр бензин ишлатиляпти. Коммунал-хўжалик ва турар-жой биноларини иситиш учун дизель ёнилғисидан фойдаланилаётганлигини қандай баҳолаш керак?

Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» ташкилотларидаги текшириш якунлари жойларда давлат ва план интизоми, ёнилғи бойликларидан фойдаланиш тартиби устидан назоратнинг бўшаштириб юборганлигини кўрсатмоқда. Юқорида келтирилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш лозим. Шунда зиммага олинган мажбуриятлар шараф билан бажарилиб, эл бойлиги кўпаяверади.

Н. ВАҲОБОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари таъминот ва тақсимоти бўйича бош бошқарма бошлиғи.

Ф. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат нефть инспекцияси бошлиғи.

БИНОКОРЛАРГА БАҒИШЛАНАДИ

Бухоро областида бошланган кинофестиваль бинокорлар меҳнатига бағишланади. Кинотеатрлар, маданият саройлари ва уйлари, клубларининг экранларида янги шаҳарлар барпо этаётган ва йўллар, сув омборлари қураётган ва қувурлар ётқизаётган кишилар ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш қилинмоқда. Фестиваль кунларида кинозалларда областдаги донгдор бинокорлар билан учрашувлар ўтказилади. (ЎзТАГ).

ТУЯМЎЙИН ВУНЕДКОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА ФИЛЬМ

«Ўзбектелефильм» студияси «Туямўйин — дўстлик қурилиши» мавзуидаги ҳужжатли фильмни суратга олди. Фильм Амударё қўйисидаги аҳолининг ана шу жўшқин дарёни жиловлаш тўғрисидаги асрий орзусини амалга ошираётган қурувчилар ҳақида ҳикоя қилади. Бу лентада турли миллат намояндалари, кўпгина қардош республикаларнинг вакиллари қурилишда бирга аъзолари сингари меҳнат қилаётганликлари акс эттирилган. (ЎзТАГ).

БОҒЛАР ҚАРШИСИДАГИ ЎЙЛАР

ЁЗУВЧИ ВА ҲАЁТ

Орамизда шундай одамлар борки, борган жойини гулга, дарахтга буркайди. Жиззахда Холмурод Ҳакимовни ҳамма билади. Илгари область колхозлараро қурилиш ташкилотининг бошлиғи эди. Ҳозир шу ташкилот маъмурий биносининг атрофи паркни эслатади. Яқинда у киши бошқа бир қурилиш ташкилотига раҳбар бўлиб ўтибди.

— Бир йилда мана шу қақроқ ерни ҳам парк қиламиз, — деди менга Холмурод ака ишонч билан.

Дарҳақиқат, таниқли чўлқувар Аҳад Соибназаров Арнасой район коммунистларига раҳбар бўлди-ю, бу ер «кичик Фарғонага» айланяпти. Ҳозирда Арнасой район партия комитетининг маъмурий биноси теварак-атрофи шу қадар гўзал бўлиб кетганки, Сирдарё ва Жиззах областларидаги бирорта маъмурий бинонинг олди бу қадар саришта ва кўркам эмас. Демак, ҳамма гап меҳнат қилишни билишда. Ҳадеб маълумот ёзилган қоғозларни титкилайвермасдан ҳалол ва ташаббускорона меҳнат қилишда. Райкомнинг биринчи секретари ҳар бир дарахт парваришини шахсан ўзи назорат қилиб, ҳар бир участка ва ҳар бир дарахтни маълум ташкилот ва кишиларга бириктиб қўйган.

Республикамизда тоғ ёнбағирлари ва паст текисликларда терасса усулида барпо этилаётган минглаб гектар боғларни кўриб, кишининг завқи ошади. Бахмалда Ўнғар Тиловов деган бир киши бор. Амир Темур даврида Бахмал ноиби бутун Сангзор воҳасини кузатиш учун Михтепа чўққисида қўрғон қурган экан. Бугунги кунда Бахмал механизациялашган Ўрмон хўжалигининг директори, коммунист Ўнғар Тиловов бошлиқ ўрмончилар бу ерда минг гектарли боғ барпо этишган. Бу Тиловов бошлиқ ўрмончилар қилган ишнинг ўндан бири, холос. Улар бу бунёдкорлик ишларини зўр меҳнат, машаққатлар эвазига яратмоқдалар. Ўрмон хўжалигининг территорияси 100 минг гектардан ошиқ. Хўжаликнинг Ҳамроқул Усмонов бошқарадиган 4-Ўсмат бўлими эса 25 минг гектарни ташкил этади. Ана шу 25 минг гектарга битта бошқарувчи, 4 та қўрқиччи ва битта техник мутасадди. 25 минг гектарда нимани мавжуд бўлса, 6 нафар кишининг зиммасида. Кейинги бир неча йил мобайнида улар минг гектардан зиёд янги боғлар яратишди. Давлатга ҳар йили юзлаб тонна мева топширишди. Боғларни бўлимнинг тўрт участкасига тайинланган тўртта ўрмончи ўз ойласи билан барпо этган. Бахмал механизациялашган ўрмон хўжалиги шу пайтга қадар 500 гектар боғ яратиб берди. Бир неча киши яратган ана шу боғларда ҳозир совхозларнинг бутун бошли бўлимлари меҳнат қилмоқда... Биз ўрмончилар қилаётган ишлар билан танишаркан, хўжаликнинг моддий-техника базасидаги етишмовчиликлар, ўрмончилар олдидаги проблемалар билан қизиқдик. Ҳамроқул Усмоновнинг бўлимида бор-йўғи битта трактор бор. Техника керак бўлганда хўжаликларга ялинибёлворишга тўғри келади. Бу пайтда совхозларда ҳам экиш мавсуми авж олган бўлиб, ўзга хўжаликка кўмак бериш имконияти чегаралранган бўлади. Ўрмон хўжалиги раҳбарларига очиққасига: «жуда оёғимизга тўғаноқ бўлдиларинг-да», дейдиган совхоз раҳбарлари боғ тақсимлашга келганда район ташкилотидан тортиб, республика ҳукуматигача қоғоз кўтариб югурадилар.

Қилинадиган ишнинг ҳаммаси ҳам меҳнат. Лекин меҳнат билан меҳнатнинг фарқи бўлади. Ўрмончилар қилаётган меҳнат ҳақиқий ташаббускорлик ва жонбозлик асосига қурилган меҳнатдир. Инсон ўзи эришган ҳар бир ютуқни асраб-авайлаб, у билан фахрланиб юради. Ўрмончилар бизга ўзлари яратган боғларнинг яхши парвариш қилинмаётгани, совхозларнинг раҳбарлари мавсумий ишлар билан бўлиб, боғроғлар парваришига эътибор бермаётганидан нолидилар. Бундан ташқари, ўрмон хўжаликларини етарли ва махсус техника билан таъминлаш ҳамда штатлар масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак, шекилли. Юқорида айтилган ўрмон хўжалигининг Ойқор тоғи ён бағридаги узунлиги 100 километрдан ошадиган минглаб гектар яйдоқ ерлари бўм-бўш ётибди. Ўз-ўзидан маълум: бунча майдонга кўчат ўтқазиб, парвариш қилиш учун ўрмон хўжалигининг кучи етмайди. Кунлар ишни билан саргайиб кетадиган бу тепалик ва паст текисликлар олисдан кимсасиз саҳрони эслатади. «Қани энди шу ерлар кўм-кўк бўлса эди, қандай гўзал кўринарди», дея ўйлайсан киши. Бизнингча, бу ишни фақат ўрмон хўжалиги зиммасига юкламасдан, маълум участкаларни колхоз ва совхозларга ҳам бўлиб бериш керак. Ахир, халқимизнинг ардоқли удуми — ҳашар йўли билан ҳам бир кунда юзлаб гектар боғлар барпо қилиш мумкин-ку!.. Қачонгача 4 нафар ўрмончи барпо этган минг гектар боғдан ҳайратланиб ҳураверамиз. Юз минг гектардан ортиқ ўрмон хўжалиги учун 1000 гектар нима деган гап!

Бахмалда бўлганимизда бир ибратли тадбирнинг гувоҳи бўлдик. Райондаги «Узунбулоқ» совхози ўрмон хўжалигига 100 гектар майдонда боғ яратиб бериш учун смета-проект ва маблағ берибди. Ҳар қалай, адолатли тадбир. Ишчи кучидан қийналадиган ўрмон хўжалиги бу маблағни қўшимча ишчи кучи ва техникага сарф этиб, ишни қисқа муддатда сифатли қилиб бажаради. Бизнингча, бу оммалаштирилса бўладиган тадбир. Совхозларда эса бундай маблағлар етарлича мавжуд.

Бахмал боғларининг яшиллигидан қувониб Жиззах шаҳрига қайтаётганимизда кўнгилсиз ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Шаҳарнинг «Яшил тоғ» тепалигида жойлашган ороғоҳ атрофидаги боғнинг ярми қовжираб-қуриб ётарди. Суриштирдик. Кимдир ўт қўйиб юборибди. Жиззахнинг меҳнаткашлар энг гавжум бўладиган ороғоҳидаги бу боғ қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилган. Ҳатто энг оддий иш —ўтоқ ҳам қилинмаган. Яшнаб турган дарахтлар ҳам ўтда куйипти. Одатда, экишни билмаган одам экилганни асрашни ҳам билмайди. Яқинда яна шу ердан ўтиб, куйиб кетган боғни кузатдик. Ҳеч ким қўл тегизмапти. Бу ҳолни кўриб, Жиззахда область ва шаҳар коммунал хўжалик бўлимлари борлигидан шубҳаланасан киши. Айтингчи? Кўз олдингизда яшнаб турган дарахт ёнса-ю, сиз жим тура оларминг из? Шунга ўхшаш яна бир ҳодиса. Шу атрофдаги жамоат биносига янги бир ташкилот кўчиб кирган, ремонт қилиб жойлашиб олган. Анчадан сўнг одамлар бино олдини файзли қилиб турган 10 туп токни суриштириб қолишади. Маълум бўлишича, кузда кўмилган токлар кимнингдир кўрсатмаси билан баҳорда очилмай, аксинча кўмилиб, текисланиб юборилибди. Кишиларни ранжитадиган яна бир нарса шуки, Жиззахдан Ғаллаороғача бўлган Катта Ўзбек Трактининг икки ёнидаги ўнлаб гектар яйловларга ҳам тегишли ташкилотларнинг эътиборсизлиги натижасида ўт қўйиб юборилган. Тоғлар ҳуснига доғ бўладиган бундай қилмишларимиз учун табиат олдида қачондир жавоб берамиз!..

Жиззах шаҳрининг қайта қурилиши, меҳнат ва шонш-ўҳрат ёдгорлигидан бошланадиган Ленин проспектининг барпо этилиши муносабати билан ҳозирги Ленин номли кўча бўйидаги 2500 тупга яқин 10—12 ёшли чинорларни йўқ бўлиб кетиш хавфи ҳар бир жиззахликни ташвишга солмоқда. Жиззах шаҳар ижроия комитетининг марҳум раисаси Павлова эктирган ва одамлар ҳамон «Павлованинг чинорлари» деб атайдиган бу дарахтлар ёзи иссиқ Жиззах учун сув билан ҳаводек зарур. Тегишли ташкилотлар, биринчи навбатда область партия комитети ва область Совети ижроия комитети проспект қурилиши давомида ҳисобкитобни аниқ олиб, чинорзорнинг иложи бор қисмини қолдириши ва бир қисмини кўчириш (ҳозир бизнинг техникамиз ҳамма нарсага қодир) тадбирларни белгиласа, халқ кўнглидаги ажойиб иш бўларди.

Бизнингча, Фарғона водийсини тенгсиз гўзал қилган инсон меҳнати самараси — боғ-роғлардир. Гўзал Фарғонани Қуванинг қумушсимон анорзорларисиз, Олтиариқ ва Шоҳимардоннинг сўлим ўрикзорларисиз, умуман дарахтсиз тасаввур этиб кўринг-а! Айрим район ва хўжалик раҳбарларига боғроғлар барпо этиш, меҳнаткашлар чой ичиб, ош дамлаб, ҳордиқ чиқарадиган чойхонали боғлар, хўжаликнинг ўз дам олиш уйи бўлиши ҳақида сўз очсангиз, худди ҳамма ишни бир ўзи қилаётгандек, пахта планини дўндирганидан гапиради. Бу фикрни тўғри тушуниш керак. Баъзи раҳбарнинг мўлжалдаги ўн ўрнига ўн бир нафар кишини дам олишга юбордик, деганини эшитмайсиз. Пахтада ва ғаллада бўлган план — ободончилик, меҳнатга яраша дам олиш ва даволанишда ҳам бўлади. Шу нарсаларни ўрнига қўйган раҳбаргина пахта планини ҳам қойиллатган бўлади. Кишиларимиз меҳнат қилишни биладилар. Меҳнат қилган одам янада унумли меҳнат қилиши учун яхши дам олмоғи керак. Колхозларимизда умри бино бўлиб меҳнат отпускасига чиқмаган, курорт ёки санаторий нималигини билмайдиган кишилар бор. Жиззахда бўлганимизда бир шофёр билан учрашиб қолдик. Хафа бўлиб шикоят қилди:

— Раис хафа қилди, ҳатто менга қўл кўтарди, — деди бир оз кўзи ёшланиб.

Биз нима дейишимизни билмай қолдик. Кўз олдимиздан ёши бир жойга бориб қолганига қарамай, кўзи ёшланиб турган шофёр қиёфаси кетмайди. Бундай раҳбарлар нега шундай масъул ўринларда ўтиравериша-ди. Ахир, ўша шофёр жиноят қилган бўлса, судга бериш, колхоздан ҳайдаш мумкин-ку. Одамнинг виждонини қайнатадиган яна бир нарса шуки, раиснинг одамларга қўл кўтариш одатини район раҳбарлари билишар эмиш!..

Жиззах области шу қадар табиий қулайликларга бой областки, бу ерда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Тоғ дейсизми, чўл дейсизми, дашт-яйлов дейсизми, хуллас, ҳаммаси бор. «Оқ олтин»дан ҳақиқий олтингача бўлган барча табиий бойликлар областнинг ривожланган қишлоқ хўжалигидан юксак саноатлашган область даражасига кўтарилишини кўрсатади. Область аҳолиси ҳам ярим миллионни қораларяпти. Аммо, областдаги Ойқор, Зомин, Бахмал, Фориш, Моргузар ва Нурота тизма тоғларида саноқли пионер лагерлари бор-у, лекин меҳнаткашлар дам оладиган бирорта тузук-қуруқ боғ ёки парк йўқ. Жиззах чўлини ўзлаштирувчиларнинг маълум бир қисми «Голодностепстрой»нинг қардош Тожикистон ССРда жойлашган дам олиш уйида ҳордиқ чиқаришади. Ваҳолонки, бу дам олиш уйи ўз ташкилоти эҳтиёжини зўрға қондиради. Жиззах области ташкил этилганига ҳам анча бўлди. Лекин шу пайтгача бирорта ташкилот бу тоғларда ўз ороғоҳини қурган эмас. Туризм йўли билан қуриладиган Зомин тоғ-спорти ва дам олиш комплекси бир неча йилдан сўнг тугалланади ва асосан туристларга хизмат кўрсатади. Зомин, Бахмал ва Фориш тоғларида бундай жанатмакон жойлар керагидан ҳам ортиқ. Бундай мавсумий ороғоҳларни тежалган маблағлар, шанба ва якшанба кунги дам олиш кунларида ҳашар йўли билан дам олиш тадбири сифатида амалга оширса ҳам бўлади. Бунинг учун тегишли юқори ташкилотлардан ташаббускорлик, эътибор ва аниқ кўрсатма керак.

Юқорида айтилган Катта Ўзбек Трактининг Жиззахдан то Ғаллаороғлга қадар икки томони бўйлаб кетган Моргузар ва Нурота тизмаларида трасса усулида боғлар барпо этиш бошланганди. Негадир бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Экилганлари ҳам онда-сонда қолган. Бу ишни яна жонлантирмоқ керак. Ўтмишда Ўрта Осиё эртакларда айтилган боғи эрамдек ҳар хил боғлар бўлган. Қадимги Феруза боғи ва шунга ўхшаш боғлар бунинг мисолидир. Боғлар барпо этиш ва уларни воғга етказиш ландшафт архитектураси — архитектурамизнинг ажралмас бир қисмидир.

Ҳаммамизга маълум. Ҳар йили баҳорда республикамиз областларида кўчат ўтқазишнинг маълумотига назар ташласангиз, ёқа ушлайдиган рақамларга дуч келасиз. Агар шу маълумотларни берадиган одамлардан дарахтларни сўрасангиз, ўзлари ҳам хижолат чекишса керак.

— Экин майдонини кенгайтириш, юқори ҳосил олиш ҳақида ўйлаймиз-у, негадир яйловлар, чорвамиз яйрайдиган беопён яйловларни кам ўйлаймиз. Чорвачилигимизда кейинги йилларда юз берган камчиликларда ҳам бунинг таъсири бор, — дейди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Зомин район партия комитетининг биринчи секретари Эргаш Холматов. — Хўжалик раҳбарларига: «қудуқлар ёрдамида яйловларни суғориб, бўрдоқичиликни ривожлантириш керак», деймиз. Яйловлар бир йил фойдаланилар - фойдаланилмас, эрта баҳорда ҳайдаб, экин экиб юборишади. Бунинг эвазига қорамоллар ёйиладиган яйловлар камайиб кетяпти. Майда туёқли моллар тоғ этакларида ҳам эмин-эркин ёйилолмайди. Ўрмон хўжалигининг боғроғларини ҳам кўз қорачиғидек асрашимиз керак.

Дарвоқе, беопён ва гўзал яйловларимиздан ажралиб, уни соғинадиган бўлиб қолмаслигимиз керак. Ҳақиқатан ҳам ҳозир унумдор бўз яйловлар деярли йўқ ҳисоб.

Бўладиган гапни айтганда, тоғлар, боғлар ва яйловларнинг келажакка хизмат қилиши бизнинг бугунги ҳалол, покиза меҳнат қилишимизга, ўзимизни яратган она табиат олдидаги қарзларимизни қай даражада узишимизга боғлиқ.

Нурали ҚОБУЛ.

РАСМИЙ АХБОРОТ

ЎСИМЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ХИЗМАТИ

СССР Министрлар Совети «СССРда ўсимлик карантинини ташкил этишни яхшилаш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Ташқи савдо министрлигига, Тайёрлаш министрлигига, СССР Темир йўллар министрлигига, СССР Денгиз флоти министрлигига, Граждан авиацияси министрлигига, Озиқ-овқат саноати министрлигига, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитетига, Центросоюзга, СССРнинг бошқа министрликлари ва идораларига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига:

СССР территориясини чет мамлакатлардан ўсимликларнинг карантин ва бошқа хавфли зараркунандалари ва касалликлари, шунингдек бегона ўтлар ўтишидан сақлашни кучайтириш, уларни ўз вақтида аниқлаш, тўхтатиб қўйиш ва тугатиш комплекс чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Совхозлар, колхозлар, ўрмон хўжалиги, тайёрлаш, транспорт, савдо-сотиқ корхоналари ва бошқа корхоналар, муассаса ва ташкилотлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва ўсимликдан олинадиган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва реализация қилишда ўсимлик карантинига доир белгиланган қоидаларга қатъий риоя этишларини таъминлаш таклиф этилди.

Қарорда СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ўсимлик карантини давлат хизматининг вазифалари ва ҳуқуқлари белгилаб берилган. Республика, ўлка ва областлардаги тегишли инспекциялар, шаҳар, районлараро чегара инспекциялари, шунингдек денгиз ва дарё портлари, пристаналар, темир йўл станциялари, аэропортлар, бош почтамтлар, тош йўллардаги ўсимлик карантини пунктлари шу хизматга киради.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ўсимлик карантини юзасидан жамоат вакилларини шу хизмат органлари ишида қатнаштириши кенгайтириш чораларини кўришлари лозим.

Қарорда ўсимлик карантинини ташкил этиш юзасидан қўйиладиган бир қанча мажбурий талаблар кўзда тутилган. Ўсимликларнинг карантин зараркунандалари ва касалликларига, карантин бегона ўтларга қарши кураш қоидаларини бузишда айбдор бўлган гражданлар ва мансабдор кишиларга (бу айблар қонунларга биноан жиноий жавобгарликка олиб бормаса) штраф солинади, деб белгиланди.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ТЕХНИКА БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИНИ ЮКСАЛТИРАЙЛИК

СССР Министрлар Совети олий ўқув юртларини техника билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида қарор қабул қилиб, шу қарорга биноан иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари СССРнинг министрликлари ва идоралари зиммасига 1980—1985 йилларда олий мактабларни замонавий илмий, ўқув-лаборатория ускуналари, техникавий ўқитиш воситалари ва ўқув-лаборатория мебели билан таъминлаш борасидаги тадбирларни амалга ошириш мажбуриятини юклади.

Ўқиш жараёнида ҳисоб техникаси ва автоматлаштирилган бошқариш системалари кенг қўламда қўлланилиши, ўқиш жараёнини кинофикациялаш кенгайтирилмоғи, машғулотлар юксак илмий-техника даражасида ўтмоғи учун ўқув телевидениеси ва радиоэшиттириш ҳам ривожлантирилмоғи керак.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги зиммасига энг янги техникавий ўқиш воситалари ва ўқув лаборатория жиҳозларини ишлаб чиқиш ва уларни ўқиш жараёнига жорий этиш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш юклатилди. Қарорда шундай воситга ва ускуналарни тайёрловчи корхоналарни қуриш. Бутуниттифоқ ихтисослаштирилган «Союзвузприбор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини барпо этиш, қарорнинг бажарилишини таъминловчи бошқа чораларни кўриш кўзда тутилади.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР БИЛАН МОЛ АЙИРБОШЛАШ

СССР Министрлар Совети Социалистик мамлакатлар билан халқ истеъмоли моллари айирбошлаш ишларини ривожлантириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди ва тегишли қарор қабул қилди.

Бундай ишларни амалга ошириш СССР Савдо министрлиги (Бутуниттифоқ «Союзпромимпортторг» бирлашмаси) зиммасига юклатилди. СССР Савдо министрлиги йиллик планларда ажратиладиган моллардан, шунингдек иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан келишиб олинган ҳолда иттифоқдош республикаларнинг бозор фондларига таллаўқли моллардан айирбошлашда фойдаланади. Бошқа социалистик мамлакатлардан мамлакатимиз аҳолиси ўртасида харидоргир моллар айирбошлаш тартибида сотиб олинади.

Айирбошлаш ишлари юзасидан молларни етказиб бериш, шу ишларга кредит ажратиш, бундай молларни тайёрловчи корхоналарни рағбатлантириш тартиби белгиланди.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАМИЗДА

19 август—Вьетнамдаги август революциясининг 34 йиллиги

РЕВОЛЮЦИЯ ТЎФОНИ

Август ойи Вьетнамда тўфонлар даври ҳисобланади. Шунинг натижасида қуйиладиган жала Ханойга ёғилиб, сурункасига уч-тўрт кунгача тинмай, ёзнинг жазирама иссиғи тафтини ояди. Жаладан кейин Қайтарилган қилич қўлининг усти харир мовий булут билан қопланади ва бутун шаҳарнинг маркази ювиниб, яшаргандек бўлади. Минг ёшдан ошган шаҳар бамисоли навқиронлик касб этади. Эски трамвай ҳам қандайдир ўзига хос жўшқинлик билан ҳаракатга келиб, орол соҳили бўйлаб юра бошлайди. Пойтахтнинг бош магистрали — Чангтиен кўчасидан оқиб бораётган велосипедчилар дарёсини бир дақиқа тўхатиб қўяди. Бу кўча Ханой Катта театри биносига бориб тақалади. Ҳозир театр қирқ бешинчи йилнинг август кунларида биринчи бор пайдо бўлганидек катта олтин юлдузли қизил байроқлар билан безатилган...

...Шундан аввал Франция протекторати ҳисобланган ва японлар оккупация қилиб олган Тонкинда (Вьетнамнинг шимоли мустамлакачилик даврида шундай деб аталар эди) август ойининг бошларидаёқ қудратли сиёсий тўфон бошланиши сезилиб турар эди. 15 август куни милитаристик Япония таслим бўлганлиги тўғрисидаги актга имзо чекди. 17 августда намойишга чиққан кўп минглаб ханойликлар Катта театр ёнидаги майдонга тўпландилар. Театр балконидан Вьетнам императорининг юлқиб олинган байроғи ғалаён кўтарган оломон орасига итқитилади, унинг ўрнига намойишчиларнинг гулдурос қарсаклари остида олтин юлдузли қизил алвон — Хо Ши Мин раҳбарлигидаги коммунистлар бош бўлган Вьетминь халқ фронтининг байроғи кўтарилади. Келгуси кун бутун шаҳарда намойишлар ўтказилади. 19 август куни эса Ханойдаги ҳокимият Миллий озодлик комитети қўлига ўтади. Ана шу тарихий воқеалардан кейин 2 сентябрь куни Хо Ши Мин Ханойдаги Бадинь майдони минбарига чиқиб мамлакатнинг мустақил бўлганлигини ва Вьетнам Демократик Республикаси ташкил топганлигини эълон қилади.

Аммо мамлакат жанубини оккупация қилиб олган инглизлар ва шимолни ишғол қилган чанкайшичилар иштирокидаги воқеаларнинг мураккаб гирдоби пировард натижада француз мустамлакачиларининг қайтиб келишига ва 1946 йилда Вьетнам халқининг биринчи қаршилик уруши бошланишига сабаб бўлди. Яна шимол тоғлари ва чангалзорлари 1954 йил ёзигача революционерларнинг маконига айланди. Ниҳоят, ўша ёз фаслида Ханой ва Шимолий Вьетнамнинг бошқа шаҳарлари узра яна қизил байроқлар ҳилпирай бошлади.

1964 йилда демократик Вьетнам ўзининг биринчи беш йиллигини тугаллаган пайтда АҚШ авиация ва флот кучлари билан ВДРга қарши бевосита агрессия бошлади. Яна бутун мамлакат уруш гирдобида қолди.

1975 йилнинг зафарли баҳори Вьетнам халқининг Америка агрессиясини даф қилиш йўлидаги қаҳрамонона қаршилик урушини ва шимол билан жанубни бирлаштириш учун қўғирчоқ режимга қарши революцион курашини ниҳоясига етказди. Шу ғалаба учун халқнинг миллион-миллион энг яхши ўғил ва қизлари ўз жонларини фидо қилдилар. Мамлакат тарихида янги давр бошланди. 1976 йилдан бошлаб у Вьетнам Социалистик Республикаси деб атала бошлади. Вьетнам коммунистларининг 1976 йил декабрида бўлиб ўтган IV съезди бутун мамлакатда социализм қуриш программасини қабул қилди.

Вьетнам Коммунистик партияси Жануб озод қилинганидан кейинги дастлабки ойлардан бошлабоқ халқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш билан бир вақтда нормал ижтимоий-иқтисодий структурани қайта тиклашни кўзлаб зарур ўзгартиришларни ўтказа бошлади. Юз минглаб деҳқонлар қишлоқдаги унумли меҳнатга қайтди. Марказий вилоятларда шу йилнинг ёзига келиб қишлоқ хўжалиги коллективлаштирилди. Мамлакатнинг асосий шоли макони бўлмиш Меконг дарёсининг этакларида коллектив меҳнат нормалари тобора дадиллик билан ўзига йўл очиб олмоқда.

Полпотчилар Кампучиясининг агрессияси ва айниқса 600 минг кишилик Хитой армиясининг ВСР Шимолий вилоятларига бостириб кириши Вьетнам халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини издан чиқарди. Кейинги икки йилдаги табиий офатлар: озиқ-овқатлар муаммосини чигаллаштирди. «Қочоқлар муаммоси» деб аталган муаммо ҳам аҳволни мушкуллаштирмоқда. Хитой эса Вьетнамдаги Хитой аҳолиси орасида шовинистик жазава ва қутқувни кучайтириб, шу муаммони жонжаҳди билан авж олдирмоқда.

Мана шундай мураккаб ички ва халқаро вазиятда Вьетнам Коммунистик партияси халқни оғир синовлардан дадил олиб ўтмоқда, уни иқтисодий қийинчиликларни тугатишга, Ватанни ва революция ғалабаларини ҳимоя қилишга сафарбар этмоқда.

Қаҳрамон Вьетнам қардош социалистик мамлакатлар оиласида муносиб ўрин олди. Вьетнам революциясининг мураккаб ва олис йўли мантиқан ана шундай натижага олиб келди. Қирқ бешинчи йил август революциясининг мўътабар идеаллари социалистик Вьетнамнинг янги Конституциясида ўз ифодасини топди. Шу кунларда Конституция лойиҳасини бутун халқ муҳокама қилмоқда.

А. МИНУЕЕВ.
Ханой. (ТАСС мухбири).

КУБА МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛИШГА ТАЙЁР

ГАВАНА, (ТАСС). Блокларга қўшилмаган давлат ва ҳукумат бошлиқларининг VI конференцияси Куба пойтахтида очиладиган кунгача жуда оз вақт қолди.

Жуда кўп вакиллар қатнашадиган ана шу муҳим халқаро анжуманда замонамизнинг актуал проблемалари муҳокама қилинади. Бу анжуман социалистик Куба тарихида биринчи марта ўтказилади. 60 га яқин давлат ва ҳукумат бошлиқлари олий даражадаги конференцияда қатнашажагини билдирди. Гаванага жами 90 га яқин делегация келади.

Пойтахтнинг энг гўзал районларидан бирида жуда қисқа вақт — деярли бир йил ичида архитектура жиҳатидан муҳташам бино — Конгресслар саройи қурилди. Анжуман шу саройда ўтказилади.

Делегацияларни жойлаштириш учун ажойиб резиденциялар, журналистлар учун эса кўрфаз соҳилида 23 қаватли янги меҳмонхона барпо этилди. Пойтахтдаги энг яхши меҳмонхоналар ремонт қилинди. Куба меҳмонларини кутиб олишга тайёр турибди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

⊙ БОННГ. ГФРда турли реваншчи ва милитарист ташкилотларнинг иғвогарлик мақсадидаги ҳаракатлари давом этмоқда. Шундай эски бирлашмалардан бири «Пўлат қалпоқ» аъзоларидан бир гуруҳи Рейнланд-Пфальц ўлкаси районларидан бирида йиғин ўтказдилар.

Шуниси ажабланарлики, маъмурларнинг иғвогарларнинг йиғин ўтказишига бирон бир ҳалақит бермади. Маъмурларнинг йўл қўйиб бериши натижасида ГФРда турли ниқобдаги янги нацистлар, реваншчилар амалда бемалол иш кўриб турибдилар.

⊙ ЛОНДОН. Бу ерда Ламанш кўрфази орқали сув остидан темир йўл тоннели қуриш имкониятини ўрганувчи янги группа тузилганлиги эълон қилинди. Бу тоннель Британия оролларини Европа қитъаси билан боғлайди. Группа составига Франция, Англия, Голландия ва ГФРдаги бинокорлик компанияларининг вакиллари кирди.

⊙ ТЕҲРОН. Эрон революциясининг бошлиғи оятилло Ҳумайни радио орқали нутқ сўзлаб, Исроил ҳукмрон доираларининг олиб бораётган агрессив сиёсатини кескин қоралади. Исроил шундай сиёсат олиб бораётганлиги сабабли тобора яккаланиб қолмоқда, деб таъкидлади у.

⊙ ВАШИНГТОН. Июль ойида АҚШда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми кескин равишда камайди. Айниқса автомобиллар ишлаб чиқариш 3 процентдан ҳам сиёд қисқарди. Узоқ муддат фойдаланиладиган тозарлар ишлаб чиқариш ўтган бир ой ичида 2,6 процент камайтирилди.

(ТАСС).

БУГУН АФГОНИСТОН ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

Умид ва ишонч

Шу август кунлари Афғонистон пойтахти ранг-баранг бўёқлар билан яшнаб кетган. Ёш республиканинг қип-қизил давлат байроқлари, халққа қилинган даъватлар ёзилган транспарантлар давлат муассасаларини безаб турибди. Кўчаларда ясаниб олган кишилар кўп. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маъмурий, маданий маркази — Кобул Афғонистон мустақиллигининг 60 йиллигини нишонламоқда.

Афғон халқи бу мустақилликни 1919 йилда, инглиз мустамлакачиларига қарши узоқ давом этган қаҳрамонона курашдан кейин қўлга киритди. Советлар Россияси мустақил Афғонистонни биринчи бўлиб таниди, Афғонистон ҳам ёш Советлар Россиясини биринчи бўлиб таниган давлатлардан эди. Ўшандан бери 60 йил вақт ўтди.

Ҳозирги Афғонистон ўзининг жамики бойликларини халқ хизматига бахш этган мамлакатдир. 1978 йилги апрель революцияси мамлакат тарихидаги янги муҳим саҳифа бўлди, халқни заминдорлар билан судхўрлар зулмидан халос этди, меҳнаткашлар ўртасидаги муносабатларнинг янги шаклларини вужудга келтирди. Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг декретлари қадам-бақадам амалга оширилмоқда.

Демократик Афғонистонга бениҳоя дардисар муаммолар мерос бўлиб қолди. Аҳолининг деярли ёппасига саводсизлиги, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуққа эга эмаслиги, иқтисодий тартибсизлик, омма турмуш даражасининг пастлиги сингари иллатларнинг ҳаммасини жуда қисқа муддатларда бартараф қилиш зарур. Бу масалалар халқ ҳокимияти фаолиятининг марказида турибди. Мамлакатда очилган ўн минглаб саводсизликни тугатиш курсларида 1 миллиондан зиёд турли ёшдаги ишчи, хизматчи, деҳқон таълим олмоқда.

Афғонистон қийин шароитларда, империализм, ички ва ташқи реакция кучлари афғон меҳнаткаш халқининг ғалабаларига путур етказишга, тарих ғилдирагини тескари буришга интилиш учун бирлашиб олган бир пайтда янги жамият қурмоқда. Ҳозир аксилинқилобчилар жон-жаҳдлари билан ҳаракат қила бошладилар: душманлар тинч қишлоқларга ошкора қуролли ҳужум қилмоқдалар, ҳосилга ўт қўймоқдалар, бутун-бутун қишлоқларни, мактабларни вайрон қилмоқдалар, аёлларни, қарияларни, болаларни ёвузларча ўлдирмоқдалар. Покистонда тузилган шайкалар Афғонистонга ўтиб олиб ажал уруғларини сочмоқдалар, аҳолини чўчитмоқдалар.

Яқинда биз мамлакатнинг аксилинқилобчилар айниқса зўр бериб ҳаракат қилаётган икки вилоятига бориб келдик. Ана шу Ғазна ва Пактиё вилоятларининг ҳамма жойидаги далаларда деҳқонлар қандай меҳнат қилаётганликлари кўриниб турибди. Аммо уларнинг елкасидаги автоматлар вазнят кескинлигидан далолат беради. Афғон меҳнаткаш халқининг душманларига кимлар мадад бериб турганлиги ҳам сир эмас. Тор-мор этилган шайкалардан тортиб олинган автоматлар, пистолетлар, гранаталар, шунингдек кўпдан-кўп ҳужжатлар, кўпорувчиликка даъват этувчи адабиёт, асирларнинг гувоҳлик бериши — мана шуларнинг ҳаммаси Покистон, АҚШ, Англия, Миср, Саудия Арабистонининг қора гуруҳчи доиралари, шунингдек Хитой ҳукмдорлари революция душманларининг тарафида эканликларидан дарак беради. Ҳозир региондаги жамики қора гуруҳчилар Покистонга бориб яширинган собиқ золимларга молиявий ва моддий ёрдам бермоқдалар.

Ҳозир Афғонистоннинг бутун меҳнаткаш халқи ўз Ватанини ҳимоя қилишга камарбаста бўлиб турибди. У қатъий: «Реакцияга йўл йўқ!» деб айтмоқда.

Ҳозир, афғон халқи мустақиллик санасини тантанали нишонлаётган бир пайтда мамлакат қийин кунларни бошидан кечирмоқда. Аммо халқ билан партиянинг бирлиги реакция кучлари тормор этилишига ва Афғонистонда эксплуатациядан халос бўлган янги жамият қурилишига ишончни кучайтиради. Афғонистоннинг меҳнаткаш халқи келажакка умид ва ишонч билан боқмоқда.

Р. МУСИН,
(ТАСС мухбири).
Кобул.

Афғонистонда ер ислоҳатининг биринчи босқичи тугалланди. Натижада 300 мингга яқин деҳқон ўз ерларига эга бўлдилар.

В. Соболев фотоси (ТАСС).

САНЪАТКОР САФАРДАН ҚАЙТГАНДА

ДЎСТЛИК ГУЛЛАР ОҒУШИДА

Куни кеча Тошкент область партия комитети адресига Болгария Халқ Республикасидан телеграмма келди. Унда шундай сўзлар битилган эди: «Сиз округимизга йўллаган икки бадиий коллектив — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театрининг машҳур санъаткор, СССР халқ артисти Бернора Қориева рахбарлигидаги «Ёш балет» группаси ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Ялла» вокал-чолғу ансамблининг концертлари меҳнаткашларимиз, хусусан, ёшларимизда сўнмас таассурот қолдирди. Ғоятда илҳомбахш рақс, кўшиқ ва куйлари билан бизни хурсанд этган, энг муҳими, Совет Ўзбекистони санъати бугунги кунда нечоғлик равнақ топганини ёркин намойиш қилган дўстларимиздан чексиз миннатдормиз. Румен СЕРБЕЗОВ, Болгария Коммунистик партияси Хасково округи комитетининг биринчи секретари».

Бу ташаккурнома билан танишган Бернора Қориева «Совет Ўзбекистони» газетхонлари учун қуйидагиларни ёзиб берди.

Ҳорижий мамлакатга қилинган ҳар қандай ижодий сафар, гастроль ҳар қандай коллективга, санъаткорга кўп нарсалар ҳадя этади. Шахсан менинг ўзим шу вақтга қадар бундай иноҳомлардан кўп марта баҳраманд бўлган эсам-да, шогирдларим билан дўст Болгарияга қилган бу галги ижодий сафаримни ҳамиша ёдда тутаман, қадрлайман. Негаки, «Ёш балет»чилар биринчи марта чет элга чиқишди, илк марта хорижий мамлакат томошабинлари кўз ўнгида концерт беришди. Негаки, «Шарқ миниатюралари» деб номланган илк репертуаримиз республикамизда бўлгани каби дўстларимиз юртида ҳам илиқ кутиб олинди! Энг муҳими, болгар халқи бизни ниҳоятда илиқ қаршилади. Софияга қадам қўйишимиз биланоқ, ўзимизни меҳрибон дўстларимиз оғушида ҳис этдик. Дўстларимизнинг бизни кутиб олишга олдиндан тараддуд кўрганликлари, ижодий сафаримизнинг муваффақиятли ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги шундоқ қина сезилиб турарди. Турган гап, бу бизга илҳом бағишлади, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Биринчи концертимиз Харманли шаҳри маданият уйида бўлди. Концерт бошланиши олдидан дўстларимиз сўзга чиқиб, Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ҳақида, икки мамлакатнинг бугунги кундаги ютуқлари тўғрисида гапирдилар. Тошкент области ва Хасково округи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик совет ва болгар халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг энг яхши, энг гўзал намунаси, деган сўзларни эшитганимизда, қалбимиз беихтиёр фахр ҳис-туйғуларига тўлиб-тошди.

Барча концертларимиз кўнгилдагидек ўтди. Раъно Каримова, Игорь Кистанов, Шавкат Турсунов, бошқа раққос ва раққосаларимиз, «Ялла» вокал-чолғу ансамблининг хонанда ва созандаларини томошабинлар саҳнага қайта-қайта таклиф этишди. «Ёш балетчилар «Ялла» жўрлигида «Юмалаб», «Уйғур қўшиғи», «Торимнинг сири» хореографик номерларини ижро этишганида, болгарлик санъат мухлислари чексиз қувониб, ижрочиларимизга кетма-кет гуллар тақдим этишди. Бу олқишлар, хусусан, гуллар биринчи навбатда совет ва болгар халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликка аталган эди!

Дўстларимиз бадиий ҳаваскорлик санъатини алоҳида қадрлашар эканлар.

Биз, санъаткорлар Ўзбекистоннинг Тошкент области ва Болгария Халқ Республикасининг Хасково округи халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликка оз бўлса ҳам ҳисса қўшган бўлсак, ўзимизни бахтиёр ҳис қилган бўлур эдик.

Бернора ҚОРИЕВА,
СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

САБЗАВОТ КАРВОН-КАРВОН

Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозида айни пишиқчилик. Сабзавотчилик хўжалигининг серфайз далаларида экинлар ҳосилини кўз-кўз қилиб ётибди. Кўмкўк барра бодринглар, етилиб пишган қип-қизил помидор, ўртаги карам, ошкўклар, совхоз боғларида шира боғлаб ётган олма-ю узум... Шаҳарликлар дастурхонини безаш учун йўлга чиққан сабзавот карвонларининг кети узилмайди.

Чиндан ҳам бу йил хўжалик аъзоларининг ғайрати баланд. Қиш узилмаёқ далага отланган деҳқонлар кўтаринки руҳ билан ишга киришган эдилар. Ҳозир совхоз республикамиздаги сабзавотчилик хўжаликлари орасида пешқадам, Шу кунгача шаҳар меҳнаткашларига етказиб берилган, қардош республикаларга жўнатилган сабзавот маҳсулотлари 5200 тоннага етди. Бу планнинг 80 проценти деган гап. Қабул пунктларига режаланганига нисбатан анча кўп пилла ва картошка топширилди. Айниқса, эртаги карам хирмони баракали бўлди. Баъзи коллективлар ҳар гектар ер ҳисобига 30 тоннадан карам ўзиб топширдилар.

Ҳосилдорлик учун курашда совхознинг тажрибали деҳқонлари — Турди Исматхонов, Низом Аҳроров, Жўравой Йўлдошев, Раззоқ Эгамбердиевлар бошлиқ бригадалари юксак натижаларга эришмоқдалар. Бу коллективлар айни кунларда планни бажариш арафасида турибди. Маҳмуд Нурматов бошлиқ бригада аъзолари эса 550 тонна маҳсулот тайёрлаб, куни кеча ғалаба рапортига имзо чекдилар.

Хўжалик сабзавоткорлари бу йил фойдаланиладиган ернинг ҳар гектари ҳисобига камида 300 центнердан ҳосил етиштиришни мақсад қилиб қўйишган. Ҳозир совхозда ана шу юксак маррани эгаллаш учун кураш мусобақаси кенг қулоч ёймоқда. Шу боисдан етилган ҳосилни пешма-пеш йиғиб-териб давлатга топшириш билан бирга, кечки экинлар парваришига ҳам зўр берилаётир.

Суратларда: 1. Боғдорчилик бригадасининг илғор ишчилари Нури Тошалиева ва Матлуба Тўраева. 2. Совхознинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли бригада бошлиғи Низом Аҳроров ва илғор сабзавоткорлар Эргаш Мамадалиев, Турғунбой Исмоиловлар.

Ж. Тўраев фотолари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕЙДИ

ДАРД ҚЎЗҒАТАР ҚОВУНЛАР

ИНСОН СОҒЛИҒИ ҲАММА НАРСАДАН УЛУҒ

Халқимизда азалдан яхши удум бор. Шифобахш ёз ноз-неъматларидан тўйиб тановул қилади. «Ёзда тўйиб қовун еган киши қишда дардга чалинмайди», деган гап ҳам ана шундан. Врачлар ичида дарди бор одамга азалдан шираси қумоқ-қумоқ бўлиб кетган ширин-шакар тарвузлардан истеъмол қилишни тавсия этишади. Чунки олтин ерда унибўсган қовун ва тарвузлар шифобахшлиги билан ҳам азалдан донг таратган.

Ҳозир ўлкамизда пишиқчилик. Хилма-хил ширин-шакар мева ва қовун-тарвузлар шаҳарликлар дастурхонини безайдиган пайт. Бозорларга кирсангиз кўзингиз қамашади. Мирзачўл шакарпалаги, жўрақанд, Тошкент атрофидаги хўжаликлардан келтирилган обиноввот, кўкча, амири, ғулоби қовунлар ҳар қандай харидорнинг ҳавасини келтиради. Буларнинг ҳаммаси серқуёш ўлкамиз заминининг ноз-неъматларидир. Бироқ худди шу расталарда устида брезент ёпилиб, «кимёвий анализ қилинмаган» деган ёзув илиб қўйилган қовун-тарвуз уюмларини ҳам кўрасиз.

Илгари полиз маҳсулотлари сифати лабораторияларда анализ қилинмас эди. Чунки тилими тилни ёрадиган қовунлар, юз хил дардга даво бўладиган тарвузлар шаҳар меҳнаткашларига олиб келинарди. Ана шундай ширин-шакар маҳсулотлар етиштираётган деҳқонлар ҳали ҳам йўқ эмас. Пешонасини белбоғ билан боғлаб олган, ҳиммат билан қовун-тарвуз етиштириб шаҳар бозорларига олиб келган асл деҳқонлар қўли-қўлига тегмай савдо қилишяпти. Уларнинг бозорга келтирган маҳсулотлари ҳам лабораторияга текшириб кўрилган. Қовун-тарвуз таркибидаги қанд миқдори эмас, ундаги азот нитрати миқдори текшириб кўрилган. Деҳқонларнинг қўлларига лаборатория справкаси берилган. Ҳар килограмм қовун таркибида уч-беш грамм нитрат борлиги бу справкада кўрсатилган. Отасига раҳмат бундай деҳқоннинг.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилишни кўзлаб полиз маҳсулотларини етиштириш сифатини янада яхшилаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан кейин бу соҳада кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Колхоз ва совхозларда ерга қовун ва тарвуз уруғи тушган кундан ҳосил йиғиштириб олингунга қадар назорат кучайтирилди. Шаҳар бозорларида эса полиз маҳсулотлари таркибидаги нитрат миқдорини текширмай туриб сотиш тақиқланди. Ўнлаб, юзлаб лаборантлар, санитария врачлари шу иш билан машғул. Тошкент шаҳри бозорларида эса қовун-тарвуз сифатини текширишга район санитария-эпидемиология станцияларининг лабораториялардан ташқари ветеринария хизмати лабораториялари ҳам жалб этилган.

Афсуски, шунга қарамай бозорларга селитрага тўйдирилган қовун ва тарвузлар олиб келиш ҳамон давом этмоқда. Фақат ўз шахсий манфаатини кўзлаб, кишилар саломатлиги тўғрисида ўйламайдиган полизчилар маза-матрасиз, селитра ҳиди анқиб турадиган қовун ва тарвузларни кўплаб етиштириб деҳқон шаънига доғ туширмоқдалар. Ҳозир ҳар бир бозор қошидаги лабораторияда кунига ўттизга яқин анализ ўтказилянти. Пулпараст, шахсий бойлик орттириш пайида юрган ўнлаб кишиларнинг шу синовдан ўтолмаган юзлаб тонна қовун ва тарвузлари бўлиб-бурдалаб, ахлатхонага элтиб ташланмоқда.

Яқинда Бўка районидаги «Бўка» совхозидан С. Эргашев икки тонна тарвуз, шу совхозлик Матғозиев ва «Кўкорол» совхозилик Исмоилов деган кишилар эса ҳар бири бир тоннадан қовун келтиришди. Текшириб кўрилганда қовун таркибидаги азот нитрати миқдори 30,7 миллиграмм, тарвуз таркибидаги нитрат миқдори эса 38,8 миллиграмм эканлиги маълум бўлди. Ҳар учала «деҳқон» келтирган қовун ва тарвуз шу ернинг ўзида йўқ қилиниб эгалари бозордан чиқариб юборилди. Октябрь бозори ҳузуридаги лабораторияда бундай деҳқонларнинг адреслари аниқ кўрсатиб қўйилган. Бўка районидаги яна ўша совхоздан Раҳматов келтирган қовунда нитрат 38,8 миллиграмм, Ш. Рихсиев келтирган қовунда 76,5 миллиграмм, Мамадаминов келтирган қовунда 38,2 миллиграмм, Т. Икромов келтирган тарвузда эса 58,8 миллиграмм эканлиги аниқланди.

Буларнинг ҳаммаси «Бўка» совхозидан. Бекобод районидаги «Авангард» совхозининг 5-бўлими ишчиси А. Исмоилов бозорга келтирган тарвуз анализ қилиб кўрилганда нитрат миқдори 74 миллиграмм чиқди. Лекин бу соҳада Бекобод районидаги «Далварзин» совхози биринчи бўлими ишчиси А. Мирзаев «рекорд» кўрсатди. У келтирган қовун таркибида нитрат миқдори 105,8 миллиграммни ташкил этган.

Инсоф, диёнат нималигини унутиб қўйган, деҳқонларимиз шаънига доғ тушираётган бундай кишиларнинг рўйхатини яна давом этириш мумкин. Худди шу сабабли бозорларда лабораториялар ортиқча иш билан шуғулланмоқда. Агар деҳқонларнинг ҳаммаси полизлардан селитрани, азотли ўғитларни қисиб чиқариш тўғрисида ўйласалар, колхоз ва совхоз раҳбарлари, қишлоқ ва район Советлари ижроия комитетлари, уларнинг кўп сонли депутатлари бу ишга бош бўлиб, пахта учун берилган азотли ўғитларни ўғирлаб, полиз экинларига солаётган нопокларга тегишли чора кўрсалар, қовун-тарвуз сифати пастлиги тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон қовунининг шон-шуҳрати учун, асл деҳқонларимиз шаънига доғ тушмаслиги учун курашни шаҳар бозорларида эмас, балки бевосита колхоз ва совхозларда, полиззорларда олиб бориш керак.

Кези келганда айтиб ўтайлик: 1978 йили газетамизнинг 18 август сонида «Асал қовун, касал қовун» сарлавҳали мақола босилган бўлиб, унда Мирзачўл, Бекобод, Бўка районларида етиштирилган полиз маҳсулотларининг сифати пастлиги, хўжаликларнинг раҳбарлари минерал ўғитлардан фойдаланишда тартиб ўрнатмаганликлари конкрет фактлар асосида танқид қилинган эди. Ана шу мақолага Бекобод район партия комитетидан олинган жавобдан бир парча келтиришни жойиз деб ҳисоблаймиз. «Асал қовун, касал қовун» мақоласини районнинг ҳамма хўжаликларида муҳокама қилиб чиқишга тавсия этилди. Колхоз ва совхозлар раҳбарларининг диққат-эътибори минерал ўғитларни тўғри тақсимлаш ва ундан ўз ўрнида фойдаланиш юзасидан контролни кучайтириш зарурлигига қаратилди».

Район партия комитетининг бу жавобидан полизларга ортиқча минерал ўғит солмаслик учун тегишли чоралар кўрилди, деган хулоса чиқади. Ҳолбуки, районда селитрага бўктирилган қовунлар етиштириш давом этмоқда. Юқорида «Авангард» ва «Далварзин» совхозларидан мисоллар келтирган эдик. Райондаги Ленин номли колхозидан Халилов келтирган қовун ҳам нитрат миқдори ортиқча бўлганлиги учун харидорга етиб бормади. Хўш, энди Бекобод район партия комитетининг раҳбарлари ўз кўрсатмаларини жойларда бажармаётган, район шаънига ноўрин ишлар қилаётганларга нима деркин?

Аммо, бозор юзини кўрмай, йўқ қилиб ташланган қовун ва тарвузлар кўпроқ Бўка районидан ҳам келтирилянти. Худди шу сабабли район ижроия комитетининг раиси Р. Қодиров, «Бўка» совхозининг директори Ж. Анваев, бош агрономи Қ. Элчибоев ўртоқлар билан суҳбатлашдик. Совхознинг полизчилик бригадаси бошлиғи Исмоил Раҳмонов билан полиз айландик. Бизни айниқса совхоз директорининг гапи ажаблантирди.

— Турсунали Мамадалиев, Собитали Эргашев, Мансурали Раҳматов ва бошқа полизчилар қовун-тарвузга солиш учун минерал ўғитни қаердан олишди? — деб сўраганимизда, совхоз директори қуйидагича жавоб қилди:

— Минерал ўғит ҳар бир дала бошида бор. Уни қўриқлаб ўтирадими? Олиб солишгандир-да. Хўш, шу билан нима бўлибди?

Нима бўларди, совхозда минерал ўғитлар талон-торож қилинибди, хўжасизлик фактлари содир бўлибди. Бундан фойдаланган ноинсофлар қовун-тарвузни селитра билан «бўрдоқи» қилиб, тановул қиладиган каши дардга чалинадиган маҳсулотни бозорга келтиришибди. Хўш, шаҳар аҳолиси ана шу қовун-тарвузни ед касалга чалинаётганлиги ҳам совхоз директорига барибирми?

Яна шуни ҳам айтиш керакки, баъзи хўжаликлар раҳбарларининг масъуллиятсизлиги туфайли қовун ва тарвуз етиштиришдек муҳим иш шу хўжадик деҳқонларига эмас, балки бошқа жойлардан келган «мавсумий» полизчиларга топшириб қўйилмоқда. Улар хўжалик билан «фалон тонна» қовун ва тарвуз топшириш учун шартнома тузадилар-да, ўзлари учун ажратилган майдонларда ўзлари хон, қўланкалари майдон бўлиб хоҳлаганларича «деҳқончилик» қиладилар. Уларнинг қандай ишлаётгани, ўғитга бўктирилган касал қовунларни қандай қилиб етиштираётгани билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Хўжалик раҳбарлари учун эса план бажарилса бас. Деҳқон номига доғ тушираётган «мавсумий» полизчилар бўлса ана шундан фойдаланиб йилнинг уч мавсумини шу хўжаликда ўтказадилар-да, сўнг хирмон кўтариб бўлинганидан кейин кўч-кўронини, йиллик даромадини кўтариб ўз қишлоқларига йўл оладилар. Ўзлари етиштирган қовун ва тарвузни еган кишилар оғриб азоб чекаётгани билан уларнинг ишлари бўлмаётир. Улар учун даромад кўп бўлса бас. Фақат шуни ўйлайдилар, ўз шахсий манфаатларини кўзлаб ҳар қандай жиноий ишга қўл уришдан ҳам тоймайдилар. Шартнома билан ишлайдиган «мавсумий» полизчилар фақат Бўка районидагина эмас, областдаги бошқа район хўжаликларида ҳам учрайди. Бундай ҳолга чек қўйиш пайти келди.

Бизда инсон соғлиғи ҳамма нарсадан улуғ. Кишиларнинг бахт-саодати, фаровон турмуши учун табиатни — ўсимликлар, қушлар ва ҳайвонотлар дунёсини муҳофаза қилиш энг муқаддас иш деб эълон қилинган. Инсон соғлиғчи? Хўш нима учун баъзи нопок, шахсий бойлик қуйига тушган, ҳаромқўл кишилар жадига одамларнинг касал бўлишига йўл қўямиз? Нима учун кишилар соғлиғига путур етказаётган шахсларга қарши кескин кураш олиб бормаётирмиз? Соҳибкор деҳқонларимиз шаънига доғ тушираётганлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётган айрим хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам бутун жамоатчилик олдида жавоб беришлари учун вақт етди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш ва Қишлоқ хўжалик министрликларига ҳам талабимиз бор. Улар ўзаро ҳамкорликда бир муаммони ҳал қилиб беришлари керак. Гап шундаки, ҳозирги вақтда қовун ва тарвуз таркибидаги азот нитрати миқдори ҳар килограмм ҳисобига 30 миллиграммгача бўлса уни сотишга рухсат этилмоқда. Агар 30,2 миллиграмм нитрат бўлса ҳам сотиш тақиқлаб қўйилаётир. Аслида эса ҳақиқий деҳқонлар етиштирган ширин-шакар маҳсулотларда нитрат миқдори жуда ҳам оз миқдорни ташкил этмоқда. Масалан, ўша машҳур «Бўка» совхозидан Муродали Нурмонов, Рустам Нурматов, шу райондаги Мичурин номли колхозидан Турсун Маннонов, Ғалаба районидаги «Москва» колхозидан Геннадий Лилар шаҳар меҳнаткашлари дастурхонига тортиқ қилган қовун ва тарвузларда нитрат миқдори деярли йўқ даражада. Шундай экан, полиз маҳсулотлари таркибидаги нитратлар 10 миллиграммдан ошмаслигини қоида қилиб қўйиш керак. Нитрат бутунлай бўлмаса нур устига аъло нур. Бунга риоя қилмаган кишилар ҳақидаги маълумотлар эса улар яшайдиган хўжалик раҳбарлари адресига юборилса ва айбдорлар жамоатчилик олдида жавоб берса яна ҳам дуруст бўларди. Республикамиз колхоз ва совхозларида ширин-шакар қовун ва тарвузлар етиштиришни жамоатчилик назорати остига олиш пайти келди. Аминмизки, ана шундай қилинса далаларда касал қовунлар эмас, фақат асал қовунлар етиштиришга эришилади.

Т. ҲОШИМОВ,
Тошкент шаҳар ветеринария-санитария станциясининг бошлиғи, бош давлат инспектори,

Н. ОТАБОЕВ,
Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг врачи,

Р. ТУРСУНОВ,
Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 АВГУСТ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ. 9.00 — «Время». 9.40 — «Заряднка сафланинг!». 10.00 — «Будильник». 10.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 — Халқаро болалар йилига. «Қизил галстуклилар байрами». 12.20 — «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 12.30 — «Музикали киоск». 13.00 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 — «Татар спектакли». 15.55 — «Цирк чироқлари». 16.35 — «Киносаёҳатчилар клуби». 17.35 — «Бугун — СССР Ҳаво флоти куни». 18.30 — «Халқаро понорама». 19.15 — «Хўрозча». Мультфильм. 19.25 — «1979 йил қўшиқлари». 19.55 — Останкино концерт студиясида юмор кечаси. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 22.50 — Ўсмирлар ўртасида академик эшкакда эшиш бўйича жаҳон чемпионати. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Назм ва наво». Саккокий ва Атоий лирикаси. 10.50 — Телевидение экранида биринчи марта. «Оқланган исм». Бадиий фильм. 12.05 — Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.05 — «Оналар мактаби». 13.35 — «Кинопублицист экрани». 14.25 — «Олов қалблар». 18.20 — «Асалари ҳақида эртак». 18.35 — Болалар учун концерт. 19.05 — «Бугун — СССР Ҳаво флоти куни». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Иброҳимжон Исоқов куйлайди. 21.30 — «Время». 22.05 — «Терим агрегатлари мавсумга шай бўлсин». 22.20 — «Эртага — премьера». Кинокўрсатув.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

20 АВГУСТ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Время». 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Болалар учун бадиий фильм. 11.45 — «Мўъжизасиз мўъжизалар». 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — «Сиз яратган боғ». 16.40 — «Ёшлар маршрути билан». 17.10 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 17.20 — Концерт. 17.55 — «Беш йиллик. Тўртинчи йил». 18.55 — «Тоғ уяси». Фильм-спектакль. 21.30 — «Время». 22.05 — Музикали программа. 23.25 — Чавандозлик бўйича Европа чемпионати. 00.05 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.20 — «Тенгдош». 18.50 — «Ёшлик». 19.15 — «Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Этюд». 19.55 — Концерт. 20,30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 — «Матонатли кишилар». Бадиий фильм, 1-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — «Ноктюрн». Бадиий фильм. 20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Концерт. 20.55 — Ҳужжатли фильмлар.

РАДИО

19 АВГУСТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ҳ. Охунова ва Н. Пўлатова концерти. 9.15 — Табассум. 10.45 — Чолғу куйлари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Ҳаво флоти ходимлари учун концерт. 14.00 — Пахта йиғим-теримига тайёргарлик. 15.40 — Саҳна санъати усталари. 17.10 — Ж. Жабборов лирикаси. 18,15 — Ёшлик. 19.30 — Спорт программаси. 20.25 — «Гўзал» ансамблининг солистлари ижро этади. 21.00 — Табассум. (Такрорий эшиттириш). 22.28 — Ҳаво флоти ходимлари, сизлар учун. Концерт. 23.15 — Дам олиш концерти.

20 АВГУСТ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Совет турмуш тарзи. 9.30 — «Қалдиргоч» халқ ансамблининг концерти. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — Ғўшт етиштиришни кўпайтириш имкониятлари. 13,30 — Концерт. 14.00 — Мўл ҳосил усталари ҳузурида меҳмонда. 18.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 18.50 — «Ёшлик». 20.25 — Эстрада концерти. 21.00 — «Фан ва ишлаб чиқариш». 22.28 — В. Саъдулла шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

25—26 АВГУСТДА ҚУРҒОНТЕПА ШАҲРИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР 1979 ЙИЛГИ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ 4-ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда 366.000 та пул ва буюм ютуқлари, шу жумладан, 40 та автомобиль, 80 та аравачали мотоцикл, кўплаб гиламлар, гилам поёндозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар, шунингдек йирик пул ютуқлари ўйналади.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ! ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА ҚАТНАШИНГ!

СССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг Ўзбекистон республика Бош бошқармаси.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: ортопедик стоматология, II акушерлик-гинекология;

ассистентлар: болалар стоматологияси, ортопедик стоматология (2), 1-терапия.

Конкурс муддати — 9 сентябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 51-уй.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1980 ЙИЛ УЧУН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ШУНИНГДЕК, РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ПРОГРАММАСИГА ИДОРАЛАРДАН ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обунага заявкалар «Союзпечать» агентликларида 1 сентябргача расмийлаштирилади.

1 сентябрдан кейин заявкалар қабул қилинмайди.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/VIII да **Кармен** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/VIII да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Шошма, қуёш!** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ БИНОСИДА Ғ. КАМОЛ НОМИДАГИ ТАТАР ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ — 19/VIII да **Татарча ажралиш, Кечир мени, онажон!** (12.00), **Қул Али** (19.30).

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг БИООРГАНИК ХИМИЯ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

аналитик химия ихтисоси бўйича **кичик илмий ходим** — маъданлардан металлни бактериал йўл билан ишқорлаш тармоқ лабораторияси бўйича.

Конкурс муддати — 9 сентябргача.

Ҳужжатлар директор номига қуйидаги адресга юборилади: Тошкент шаҳри, ГСП, Куйбишев кўчаси, 16-уй.

Пахта целлюлозасининг кимё ва технологияси илмий-текшириш институти коллективи формалашнинг янги методлари лабораториясининг катта илмий ходими Ф. А. Аҳмедова отаси

Абдулҳай АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРИ

Тошкентлик Сергей Кот умидли енгил атлетикачилардан чиқиб қолди. Сергей диск улоқтириш устаси эканлигини катта-кичик мусобақаларда намойиш этиб, мутахассислар эътиборини қозониб келмоқда. Дастлаб, у Бутуниттифоқ мактаб ўқувчиларининг Тошкентда ўтказилган Спартакиадасида муваффакият қозонган эди. Бу йилги спорт мавсуми ҳам Сергей учун омадли келди. У эрта баҳор кезлари ўтказилган АҚШ — СССР енгил атлетикачилари учрашувида ўз тенгқурларини орқада қолдириб, дискни 54 метру 80 сантиметрли маррага улоқтириш билан ғалабага эришди. Шундан кейин СССР — ГДР ўсмирлари учрашувида биринчи ўринни эгаллади. Бу сафар Сергей 56 метру 40 сантиметрли натижа кўрсатди. Ана шу баҳсда вакилимиз мохир енгил атлетикачи Ю. Шульт (ГДР) билан ўзаро рақобатлашган эди. Ю. Шульт ўшанда Сергейдан ўзолмай иккинчи ўринни эгаллашга мажбур бўлганди. Ниҳоят, бу икки енгил атлетикачи яна ўзаро учрашдилар. Улар бу гал Варшавада ўтказилган Европа чемпионатида баҳс юритдилар. Қитъа чемпионлиги Ю. Шультга насиб этди. У 56 метру 18 сантиметрли натижа билан ғолиблик супасининг энг юқори поғонасига кўтарилди. Сергей эса 55 метру 44 сантиметрли маррани эгаллаш билан Европа чемпионатининг кумуш медали совриндори бўлди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиш — 32-57-20; 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13 иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 32-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-31-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03079. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 190.